Халқ зиёлилари рўзномаси

Маърифат

معرفت

MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1993 ЙИЛ 17 ФЕВРАЛЬ, ЧОРШАНБА

№ 11 (6522).
Баҳоси 5 сўм.

Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ШУ ҚОИДАГА РИОЯ ҚИЛМОҚДА. БУГУН УНИНГ «КОМСОМОЛЬСКАЯ ПРАВДА» САВОЛЛАРИГА ЖАВОБЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНМОҚДА.

— Ўзбекистон тўғрисида гап борганда кўпинча уни яқин ва олис хориждаги воқеаларга катта таъсир қилаётган давлат дейишади...

— Кечирасиз, «яқин ва олис хориж» деган тушунчани мен қабул қила олмайман. Уни собиқ Иттифоқни қўмсаб қийналаётганлар ўйлаб чиқарган бўлса керак. **«Яқин» дегани нима-ю, «олис», дегани нима?** Ҳар бир давлатни—у ҳоҳ Россия, ҳоҳ Украина, ҳоҳ Беларусь бўлсин мустақил деб ҳисоблар эканмиз, уларни худди шундай деб англамоқ керак.

Тўғри, чегараларимиз очиқ, ҳамма нарса қўшниларнинг ўзаро муносабатларига боғлиқ. Чегаралар-га йўл-йўл чизиқ тортилган шлагбаум ўрнатишни хаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Лекин бундай шлагбаумларнинг йўқлиги «яқин хориж» тўғрисида гапириш учун асос бўлолмайди. Бу — Иттифоқ бор эди, унда республикалар бор эди, эндиликда улар давлатга айланди, деб эски андазада содда ёндашувдир.

— Яъни сиз учун Украина яқин хориж, Афғонистон эса олис хориж эмасми?

— Йўқ. Буларнинг ҳаммаси — Ўзбекистон чегарасидан ташқарида, бироқ улар дўст мамлакатлардир. МДҲ бизнинг иродамиз билан пайдо бўлгани йўқ, уни бошқалар тузишган. Ўрта Осиёдаги давлатларнинг унга қўшилишдан бошқа иложи қолмади. Ўшанда, башарти биз бу ерда ўзимизнинг яна бир МДҲ-мизни бошқа бирор тусда тузсак, нима бўларди, буни тасаввур қила оласизми! Шунга қарамай мен ҳамиша Ҳамдўстлик тарафдори бўлиб келдим. Ҳамдўстликни мен хўжалик алоқаларини сақлаб қолиш шаклигина деб эмас, мулоқот, алоқаларни сақлаб қолишнинг маърифий шакли, деб биламан. Иқтисодий алоқалардан муҳимроқ алоқалар ҳам бор. Бу маънавий алоқалардир. — Бунда жуда катта маъно бор.

— Лекин Минскдаги сўнгги учрашувда сиз МДҲ низомини баъзи писандалар билан имзоладингиз, уларнинг моҳияти нимада?

— Ҳеч қандай писанда бўлмаган. Мен шунчаки, айрим мамлакатлар (уларни буюк давлатлар деб атаймиз) эндигина шаклланиб келаётган давлатларга маърифий йўл билан бўлса ҳам тазйиқ ўтказиш воситаларидан воз кечишни сира хоҳламаётганликларини яна бир бор таъкидламоқчи бўлдим. Ҳеч ким юзлаб ёки ўнлаб йил муқаддам бўлганидек, отлиқларни тўплаб ҳужум қилишга шайланмоқчи эмас. Аммо мен таъсир ўтказишнинг ҳозирги усуллари қилич кўтариб, от чоптириб юрилган даврдагидан тажовузкорроқ ва таъсирлироқ бўлиши мумкин десам, фикримга қўшилсангиз керак.

— Сиз иқтисодиётни кўзда тутаяпсизми?

— Айниқса иқтисодиётни, шу билан бирга сиёсий вазиятни ҳам. Ҳамдўстликнинг бирорта ҳужжатида ҳам ички турмушимизга таъсир ўтказишнинг шакли сифатида тазйиқдан фойдаланишга имконият, тирқиш қолдирмаслик керак.

— Ислом Абдуғаниевич, Ўзбекистонга нисбатан сиз «ўз йўлимиз» деган сўзни тез-тез такрорлайсиз. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобини нашр этдирдингиз. Унинг мазмунини такрорламасдан асосий қондалари ҳақида қисқа гапириб бера оласизми?

— Аввало: иқтисодиётнинг сиёсатдан устиворлиги ва бунда иқтисодиёт мафкурадан холи бўлиши лозим. Иккинчиси: ҳатто энг доно ва истеъдодли академиклар ва амалиётчилардан иборат бирор гуруҳ эмас, балки давлат бош ислоҳотчи бўлади, деб ҳисоблайман. Бир жамият кетиб, унинг ўрнида бошқа жамият қуриладиган ўтиш даврида айни давлатнинг ўзи бошқарув воситаларини асло қўлдан чиқармаслиги лозим.

Янги уй қурмай туриб, эскисини бузма дейишади бизда. Ҳар қандай ҳолда ҳам биз ўзимизни боқиб, тўйдириб келган нарсаларни вайрон қилишга берилиб кетишга ҳаққимиз йўқ. Биз бирданига эски қонунларни тан олмай қўйдик, янгилари эса ҳали йўқ. Пайдо бўлганлари ҳам мутлақо амал қилмаяпти. Мана энди мен ўз дастуримнинг учинчи бандига яқинлашдим. — Бу банд қонун, аниқроғи қонунга итоаткорликдир. Қонун ҳамма нарсадан устун туриши керак. Бизни узоқ вақт давомида қонунлар бору, лекин уларга риоя қилиш шарт эмас, деган руҳда тарбиялаб келишди. Бизда қонунни ҳурмат қилишдек оддий туйғунинг ўзи йўқ. **Шундай экан, биз янги жамиятга қандай қилиб ўтмоқчимиз? Зўравонлик, жиноятчилик пўртанасини қандай қилиб бостиришга умид қиламиз? Инсоннинг ҳуқуқларини ва унинг қадр-қийматини қандай ҳимоя қиламиз?** Хусусий мулкни қонун ҳимоя қилмаса, фермерларнинг уйларига ўт қўйиш бошланади. Демократик давлат доимий миллатлараро ва ижтимоий можаролар майдонига айланиб кетади. Хуллас, мен учун энг муҳими — қонунийликни ҳурмат қилишдир.

Тўртинчиси: кучли ижтимоий сиёсат. Ўзбекистонда бир киши ўзининг иш ҳақи билан олти-етти кишилик оиласини боқади. Россияда бундай эмас. Айтмоқчи, ўтган йили Россия аҳолиси 70 минг кишига камайди. Бизда эса 550 минг киши кўпайди. **Шундай экан, айтингчи, Болтиқбўйида, Украинада ва Ўрта Осиёда бир хил ижтимоий сиёсат ўтказса бўладими?**

Менинг назаримда, ҳар бир минтақанинг жамики хусусиятларини, нуфузини, аниқ шароити ва воқеликларини ҳисобга олмай туриб, бозор муносабатларига ўтишнинг бирор модели тўғрисида гапириб бўлмайди.

(Давоми 2-бетда).

МАЪҚУЛ КЕЛАЯПТИ, ЛЕКИН...

Ўқувчилар билимини синашда тест усулининг қўлланилиши, шубҳасиз, таълим соҳасидаги муҳим янгиликдир. Бу ўқитиш ишларини яхшилашга, имтиҳонларни ўтказишнинг осонлашишига имконият яратади, албатта. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қилган «Тест усули тўғрисида»ги қарори кўпчиликни мамнун этди. Биз ҳам уни қўллаб-қувватлаймиз.

Бироқ айрим фанлар юзасидан тест усулини қўллаш, назаримизда, ғайри-табиийдек туюлмоқда. Масалан, адабиёт фанидан тест усулида ўқувчи билимини синашни олайлик. Ҳали бу фандан тест учун мукаммал саволлар тузиб чиқилиши оғир жараён бўлаяпти. Яна бир мулоҳаза шуки, ўнта тест саволига тўғри жавоб бериш билан кўпчилик олдида имтиҳон топшириш-ни солиштириб бўлмайди. Имтиҳон топшираётганда ўқувчи у ёки бу бадиий асардан парчаларни жўшиб, ифодали айтади. Энг муҳими, фикрларини исботлайди. Бунда инсоннинг ички дунёси ҳам билим ва маҳорати билан бирга намоён бўлади. Назаримизда, тест усулида бу хусусиятларни аниқлаб олиш қийинга ўхшайди.

Э. МИРЗАЕВ,
Яккабоғ туманидаги 65-ўрта мактаб ўқитувчиси.

АҲИЛЛИК— ЮТУҚЛАРИМИЗ ГАРОВИ

Маълумки, мактабдаги таълим-тарбия жараёни жуда кўп қирралардан иборат. Зотан, у ҳаётнинг жонли бир парчасидир. Шундай экан, доимий ҳаракатда бўлган мактаб фаолияти нормал кечиши учун пухта раҳбарлик лозим. Раҳбарликнинг самарали бўлиши учун эса энг аввало, жамоа ўртасида аҳиллик зарур. Мактабдаги таълим-тарбия жараёнига бир неча йиллардан буён бош бўлиб келарканман, амалда бунинг аҳамиятини англаб етаяпман. Зеро, ютуқларимизнинг барча гарови педагогик жамоамиз ўртасида қатъий қарор топган аҳиллик, бирлик, десам янглишмайман. Куч — бирликда деб бежиз айтилмаган. Мактабимизда қишлоқ меҳнаткашларининг 452 фарзанди 40 ўқитувчи қўлида таҳсил олаяпти. Зиёкорларимизнинг 17 нафари биринчи тоифадаги мутахассислар, 4 киши Ўзбекистон халқ маорифи аълочисидир, 3 нафари методист-ўқитувчи унвони соҳиби.

Илм масканимизнинг моддий базаси яхши. Ёш авлоднинг намунали тарбия топиши ва чуқур билим олиши учун барча қулайликлар яратилган. Мактабимизнинг моддий базасини мустаҳкамлашда оталиқ ташкилоти — Охунбобоев номли жамоа хўжалиги (раиси Ўктам Худойберганов) яқиндан ёрдам кўрсатиб келаяпти. Шу боисдан фан кабинетларимиз ҳозирги замон талабларига мос даражада жиҳозланган. Улар ўқитувчиларимизга биркитиб қўйилган.

Кейинги йилларда дабдабавозлик, процентбозлик кетидан қувиш эмас, дарс сифати ва самарадорлигини оширишга диққат марказида турибди. Бунинг натижалари яққол кўзга ташланмоқда. 1990 — 1991 ўқув йилида мактабимизни Каримберган Худойберганов, Сайёра Машарипова, Пахритдин Пирлепесов, Ниёзимбетовалар олтин ва кумуш медаль билан тамомлаган эдилар. Ҳозирги пайтда бу ёшлар Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидаги олий ўқув юртларида муваффақиятли ўқишяпти.

Мактабимизда ўқишлар бир сменада олиб борилади. Бу эса ўз навбатида синфдан ташқари ҳар хил тадбирларни уюшқоқлик билан ўтказишга кенг имконият туғдирмоқда. Жумладан, ҳар хил спорт мусобақаларига пухта тайёргарлик кўрилиши туфайли бу борадаги ютуқларимиз ҳам қувончлидир.

Мактабимизда фан тўгаракларининг яхши йўлга қўйилиши билим савиясини юксалтиришда муҳим ўрин тутмоқда. Зиёкорларимизнинг аҳиллик билан меҳнат қилишлари натижасида район бўйича ўтказилган «Илғор мактаб» танловида илм масканимиз иккинчи ўринни эгаллади. Бу каби муваффақиятларимиз оз эмас. Мақсадимиз эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш, мустақил республикамизнинг равнақи учун юксак эътиқодли, билимдон кишиларни тарбиялашдан иборат.

Ў. АБДИРЕИМОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманидаги Охунбобоев номли ўрта мактаб директори.



Олмажонни юқори синф ўқувчилари ҳам «биринчи муаллимим» дея фахр билан тилга олишади. Бонси, кўплаб ёшлар қўлига қалам тутқазиб ҳарфни танитган киши бир умр улар хотирасига муҳрланади. Ҳозирда Олмажон Рўзметова илм истаб Хонқа туманидаги 33-мактаб остонасини ҳатлаганларга сабоқ бераяпти.

ТАСВИРДА: О. Рўзметова ўқувчилари билан.

Қ. ШАРИПОВ сурати.

ШАНБА ЧОР-ШАНБА

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Андижон вилояти бўйича мактабгача тарбия муассасаларининг «Тарбиячи-92» кўрик-танлови ўтказилди. Бунда 16 нафар шаҳар, туман бўйича мактабгача тарбия муассасаларининг ходимлари иштирок этди, улар беш шарт бўйича синовдан ўтдилар. Тарбиячилар илмий-педагогик, руҳий, методик билимлар юзасидан берилган саволларга жавоб беришиб, амалий фаолиятда юз беришн мумкин бўлган педагогик, руҳий ҳолатлардан қандай чиқиб кетиш кераклигини намойиш қилдилар. Бундан ташқари классик адабиёт, санъат, миллий маданият тарихи мавзуларига оид топшириқлар ҳам беллашувнинг кескин ўтишига хизмат қилди.

Таълим-тарбия жараёни учун зарур бўлган кўргазмали қуролларни қисқа муддатда ясай олиш, иштирокчиларнинг ўзлари танлаган санъат тури бўйича қилган чиқишлари улар ижодкорлигининг намунаси бўлди.

Кўрик-танловда биринчи ўринни Андижон шаҳридаги 56-болалар боғчасининг тарбиячиси Роҳатой Ҳошимова эгаллади. Иккинчи ўринни Шаҳрихон шаҳридаги 3-болалар боғчасининг тарбиячиси Шаҳзодахон Жўраева, Қўрғонтепа ноҳиясидан болалар боғчасининг тарбиячиси Минновархон Йўлдошева, Олтинкўл ноҳиясидан «Кооператор» болалар боғчасининг тарбиячиси Муқаддамхон Ҳамроқулова, Андижон ноҳиясидаги 22-болалар боғчасининг тарбиячиси Тўлғоной Марозиқова, учинчи ўринни Пахтаобод ноҳиясидаги 19-болалар боғчасининг тарбиячиси Зуҳрахон Бозорова, Булоқбоши ноҳиясидаги 4-болалар боғчаси тарбиячиси Замирахон Олимова, Хўжаобод ноҳиясидаги 13-болалар боғчаси тарбиячиси Ҳолидахон Тўхтаевалар эгаллади. Ғолиблар Андижон вилояти халқ таълими бошқармасининг қимматбаҳо пул мукофотлари, фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Ш. КЕЛДИЕВ,
«Маърифат»нинг штатсиз мухбири.

ЎҚУВЧИЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Зикир Муҳаммаджонов мактабларда, ҳунар-техника билим юртларида, олийгоҳларда учрашувлар ўтказиб, санъатга ёшлар муҳаббатини уйғотишга катта ҳисса қўшган актёрдир. У яқинда яна бир маскан — Тошкент шаҳар А. Икромов туманидаги 226-мактаб ўқувчилари билан мулоқотда бўлди.

Севимли санъаткор бу гал ўғил-қизларга ўзининг ярим асрдан ошиқ ижодий ҳаётида — театр ва кинода яратган 200 дан зиёд ранг-баранг образлари — Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Амир Темур, Ҳусайн Бойқаро, Фурқат, биринчи ўзбек генерали ва саркардаси Собир Раҳимов сиймоларининг саҳнада яратилиш тарихи ҳақида ҳикоя қилиб берди ва шу асарлардан парчалар ижро этди.

И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри.

Кўнгил чиғили

АВВАЛ ИҚТИСОД

Бозор иқтисодиёти туфайли озиқ-овқат ва саноат моллларининг чакана нархлари юз баравар ошиб кетганлиги, бюджетдаги тақчиллик, пулнинг қадрсизланиши халқимизнинг турмуш даражасига ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Бу жараён республикамизнинг 52 та олий ўқув юртида меҳнат қилаётган 28 мингдан ортиқ профессор-ўқитувчини ҳам четлаб ўтган эмас. Айни пайтда мардикор бир ойда ўн беш минг атрофида пул топмоқда. Тижоратчию ишбилармонларни тилга олмасак ҳам бўлади. Зиё тарқатувчининг эса бугунги кунда олаётган маоши бозор талабларига мутлақо жавоб бермаслиги натижасида жуда кўп иқтидорли, ижодкорлик қобилияти бор мутахассислар ўқув юртларини тарк этиб, бошқа сердаромад соҳа этагини тутишаётганликлари сир эмас. Айрим зиёлилар тирикчилик деб ижарага ер олиб кун кўришга мажбур бўлмоқдалар. Бунинг оқибатида давлатимизнинг илмий-техникавий ва маданий тараққиёти хавф остида қолаётир.

Кўриниб турибдики, зиёлилар моддий жиҳатдан оғир аҳволга тушиб қолмоқда. Хўш, бунинг илдизи қаерда? Муаммонинг пойдеворига биринчи ғишт «болшовой» мафкураси томонидан қўйилганини биламиз. Тоталитар тузум даврида ўқитувчиларнинг меҳнат тақсимоти номатлуб йўлга қўйилган бўлиб, уларга бериладиган иш ҳақи, меҳнат натижаси қандай бўлишидан қатъи назар, бир хил қийматда белгиланиб қўйилган эди. Бундай адолатсизлик олимлар меҳнатининг самарадорлигига салбий таъсир этиб, зиёкорлар ўртасида истеъдодсизликка кенг йўл очиб берди.

Хуллас, ўринли савол туғилади: олий мактаб муаллимининг ҳалол меҳнатига асосан ҳақ олиш йўллари мавжудми? Ҳа, албатта. Бунинг учун ўқув юртларидаги ўқитувчиларнинг меҳнат ҳақи ҳам тафовутланган бўлиши, қобилиятига яраша таъминланиши, ўқитувчиларга бериладиган иш ҳақи индексацияланиши лозим. Меҳнат ҳақининг кафолати минимумини таъминлаб, улар оладиган иш ҳақининг юқори даражасини чегаралашмаслик керакдир. Бунинг учун мавжуд ягона тариф асосида ҳақ тўлаш тизимини бекор этиб, ходимлар кучининг қийматини эътиборга олиш асосида моянна тўлаш мақсадга мувофиқдир.

Бозор муносабатлари даврида зиёкорлардан олинадиган солиқлар миқдори ва турларини ҳам қайта кўриб чиқиш вақти келди. Агар зиёлилар ана шу солиқдан озод қилинса, бу уларга бир қадар моддий ёрдам бўларди. Республикамиз халқ хўжалиги тизимида ҳозирдаёқ ишбилармонликнинг хилма-хил усуллари билан боғланган 4 мингга яқин ширкат, 7 мингдан зиёд кичик корхона, 700 дан кўпроқ ижарачи ва 380 та қўшма корхона ишлаб турибди. Халқимиз «олтин олма, дуо ол» деганидек, бу ташкилотлар маданий тараққиётимизни ривожлантириш мақсадида ўқув юртларимизга ҳомийлик қилишлари мумкин эмасми? Ахир, маънавият учун сарфланган маблағ ҳеч қачон куймаслиги ривожланган мамлакатлар тажрибасидан яхши маълум-ку!

Фикримизча, мустақилликка қадам қўйган Ўзбекистон бундай имкониятлардан жуда кенг фойдаланиши керак. Бу ҳақда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, қолаверса, соҳа вазирликлари мутасаддилари чуқур ўйлаб кўрсалар, фойдадан ҳоли бўлмас эди. Кези келганда шуни ҳам айтмоқчимизки, институтларда бюджетдан ташқари келаётган маблағларни ўқув юртининг моддий техник базасини яхшилашга эмас, балки профессор-ўқитувчиларни ижтимоий - ҳимоялаш мақсадларига сарф қилинса, нур устига нур бўларди. Ҳар қандай вазиятда ҳам зиёкорларни бозор иқтисодиёти жараёнида ижтимоий ҳимоя этиш ягона умумдавлат сиёсати мавқеи халқимизнинг маънавий юксак ва маданиятли бўлишига боғлиқдир.

А. РЎЗМЕТОВ,
А. Қодирий номли Тошкент давлат маданият институтининг Бошқарув ва маданият иқтисодиёти кафедраси мудири, педагогика фанлари номзоди, доцент.

ЯНГИ УЙ ҚУРМАЙ ТУРИБ, ЭСКИСИНИ БУЗМАНГ

(Боши 1-бетда).

Башарти биз ўзимизнинг шароитимизда, айтайлик, кўп болали оилаларга, қариялар, бечораҳолларга мадад бермасак, — ҳамма нарса портлаб кетади, ҳеч қандай бозор ёки ишбилармонлик бўлмайди. Айрим газеталарнинг саҳифаларида одамлар ахлатхоналарни титаётгани, болалар садақа сўраб жажжи қўлларини чўзаётгани тасвирланган суратларни кўрган пайтимда бундай инқилобнинг кимга кераги бор? — деб сўрагим келади. Шу сабабли мен, Президент сифатида камбағалларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш йўлини қатъий ва жуда қаттиққўллик билан ўтказмоқдаман.

Ниҳоят, бешинчи қоида. Бозорга босқичма-босқич ўтиш лозимлигига ишончим комил. Сохта инқилобий сакрашларсиз мақсад сари қадамба-қадам ҳаракат қилиш керак. Мен тараққиётнинг эволюцион йўли тарафдориман.

Мисол учун нарх-навонинг оширилишини баъзи мутахассислар нархга эрк бериш дейишади. Монополия шароитида нархга эрк бериш шунга олиб келдики, ҳаётнинг ўзи тўхтаб қолаёзди. Истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳисобга олиб, соғлом рақобат учун шарт-шароит яратмаслик нарх-навони давлат томонидан шунчаки оширишга айланди. Ишлаб чиқариш таназзули давом этмоқда. Менимча, Аркадий Вольский буни аниқ қилиб «домино эффекти» деб атади. Нарх-навонинг ортиши, аввало агар у ҳеч нарса билан чекланмаса ва рақобат бўлмаса ишлаб чиқаришнинг таназзулига олиб боради. Аҳоли даромадлари даражаси камайиб кетади, одамлар ҳеч нарса сотиб ололмайдиган бўлиб қолади ва гаажжуб-ки, ишлаб чиқариш камайган тақдирда ҳам моллар ўтмай қолади. Ана шуни «домино эффекти» дейишади.

Ўзбекистон бозор иқтисодиётига бошқа давлатлардан яккаланган ҳолда ўта олмайди, албатта. Ўзбекистон илгари халқ хўжалиги деб аталган кўзга кўринмайдиган мажмуанинг бир қисмидир. Биз хоҳлаймизми, хоҳламаймизми барча собиқ СССР республикалари — ҳозирги мустақил давлатлар бир-бирига қарамдир. Агар биз ҳар бир давлатнинг ўз мустақил сиёсатига ҳеч қандай тазйиқ ўтказмай, тўғри тушуниб, ҳурмат билан қарамайдиган бўлсак, ана шу қарамликни неъматга айлантириш мумкин.

— Яқинда сиз банклар пойтахти — Швейцарияга бориб келдингиз. Ўзбекистон ўз пулини жорий этмоқчи эмасми?

— Пул босиб чиқарадиган станок Россиянинг қўлида, у ерда пулнинг қадрсизланиши қанчалик авж олгани сизга маълум. Шу сабабли, ўртамизда муайян зиддият вужудга келмоқда. Агар биз битта рубль зонасида турган эканмиз, пул босиб чиқарадиган станок ҳам давлатлардан юқори туриши керак. Рубль ҳамма учун ва ҳамманинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда босилиши лозим. Очиғини айтаман, эртага Россия рублни алмаштиришни хоҳлаб қолсачи, деб хавфсираяпмиз. Унда биз қандай аҳволга тушиб қоламиз?

Россия ўз миллий пулини жорий этмас экан, Ўзбекистон ҳам бундай қилмайди. Биз битта рубль зонасида эканмиз ўз валютамизни жорий этмаймиз...

— Россиянинг иштирокисиз Овроосиё иттифоқини тузиш ғоясига сиз қандай қарайсиз?

— Бу умуман хом хаёл, гапимга ишонаверинг. Овроосиё иттифоқини тузиш, энг аввало, манфаатларнинг муштараклигига асосланиши керак. Турли йўллардан бораётган давлатларни шунчаки тўплаш— бу, агар билсангиз, арзон обрў орттиришни мўлжаллашдан бошқа нарса эмас. Ташаббус ташаббуслигича қолаверади.

— Ўзбекистон собиқ Иттифоқ республикалари орасида биринчи бўлиб Президентликни жорий этди. Сиз Ўрта Осиёда муқобиллик асосида сайланган бирдан-бир Президентсиз. Шунга қарамай, мухолифларингиз сизни тоталитаризмда айблаб, танқид қилишяпти. Мухолифлар, амалда яширин шароитда ишлаяпмиз, деб ҳисобламоқдалар.

— Энди биз суҳбатимизнинг энг аввалида беришингиз лозим бўлган саволга яқинлашдик, шекилли. Бунда мен москвалик журналистлардан муайян тоифасининг қизиқишини назарда тутаман. Аммо мен бу ҳақдаги гап бевосита ва менинг иштирокимда бўлишини хоҳлайман.

«Диктаторлик одатлари» ёки усуллари нима дегани? «Тоталитар тузум» ёки яширин шароитда ишлаш, нима дегани? Ҳамма гапнинг исботи бўлиши керак. Бирон-бир кимса бирор бир давлатда мухолифатни кўрмоқчи бўлса, уни албатта топади.

Биз, жамиятимиз том маънодаги мухолифатга қай даражада тайёр? Мен демократик ва барқарор давлатдаги ижобий мухолифатни тушунаман ва қабул қиламан. Олға томон қилинадиган ҳаракат нуқтаи назаридан ўз дастурига эга, жамиятнинг келажагини англайдиган мухолифларни эътироф қиламан. Бироқ, бозор муносабатлари, демократия сари қийинчилик билан дастлабки қадамлар қўйилаётган шароитда, қалтис асабийлик вазиятида бир гуруҳ кишилар ҳамма нарсани инкор этиб, ўз сиёсатини ҳокимият қилаётган ҳамма ишларга салбий назар билан қараш асосига қураётган экан, уни қандай қилиб жиддий мухолифат деб бўлади, фақат шунинг учунгина улар ўзини қандай қилиб мухолифат, деб ҳисоблайди. Ва энг муҳими — мен сизга ва Ўзбекистондаги асабийлик вазиятини жўрттага кучайтираётган ҳамма кишиларга шундай савол бермоқчиман: бизда шу қадар қисувга олинаётган «ранжиган мухолифат»нинг бирон-бир аниқ ҳаракат дастури ёки программаси борми, шуни айта оласизми?

Яқинда сиз тилга олган «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» деган китобча босилиб чиқди. Бу рисоланинг номиёқ унинг мазмунини ифодалаб турибди, бироқ унинг бошқа бир аҳамияти ҳам бор: барча мухолифларимга бу китобча билан танишишни маслаҳат бераман. Президент қандайдир ҳис-ҳаяжонлар, кайфиятлар таъсири остида ғайриихтиёрий иш тутмоқда, деган беҳуда гаплар, Каримовнинг ҳеч қандай дастури йўқ, деган даъволар бўлмаслиги учун шундай қилиш керак. Айтингчи, мухолифлардан бironтаси бу китобчага қарши чиқдими? Нечундир ҳеч ким уни танқид қилишга, баҳслашишга уринмаяпти. Бунинг сабаби шуки, бу танқидчиларда кибр-ҳаводан бошқа ҳеч вақо йўқ. Бироқ, ёзилганларнинг ҳаммаси мутлақ ҳақиқат деб айтмоқчи эмасман...

— Эълон қилинган сиёсат, эҳтимол, ҳаётдан бошқачадир ёки ҳаётга унчалик тўғри келмас?

— У ҳолда савол туғилади, хўш, айнан қайси соҳада шундай? Қайси ишларда қонун бузилган? Такрор айтаман, менинг қоидам — қонунни ҳурмат қилиш, қонунга итоаткорлик. Қаерда ва қайси ўринда қонунларимиз нотўғри ёки демократик халқаро меъёрларга мос келмайди, айта қолсинлар? Бейкер жаноблари Тошкентга келганида: «Келинг, кўзингизни юмиб, «Бирлик» ҳаракатини партия сифатида рўйхатдан ўтказақолинг», деб мени кўндиришга узоқ овора бўлди. Мен унга: «Биздаги қонунга мувофиқ, рўйхатга олиш учун мана шу янги партиянинг камида уч минг аъзоси бўлиши керак», дедим. Аэропортда Бейкерни кузатаётсам, «Бирлик» фаоллари қандайдир қоғозларни узатишмоқда. Келинг, дедим кўриб чиқайлик: бу ерда бир ярим минг кишининг номи бор. Бейкер яна: «Ҳа, майли, бунга эътибор қилманг», дейди. Мен унга: «Қандай қилиб эътибор бермайман. Мен сизнинг ички ишларингизга аралаша олмайманку. Сиз у ерда давлат котибисиз, Буш жаноблари эса — Президент. У Адлия вазирлигига бирон-бир партияни қонунга хилоф равишда рўйхатга олишни буюра оладими?» — дедим.

«Бирлик» «Йўқолсин руслар!» деган варақалар тарқатганига нима дейсиз. Мен ҳаракат фаоллари билан давра суҳбати ўтказмоқчи бўлганимда улар: аввал руслар жўнаб кетишсин, дейишди.

Наҳотки Тожикистон журналистларнинг кўзини очмаган бўлса. Қисқа вақт ичида минглаб, ўн минглаб киши ҳалок бўлди. Бу — даҳшатли рақам. Ваҳшийлик ва ёввойилик. Буларнинг ҳаммаси кимнинг айби билан содир бўлди. Демократик партиялар ниқоби остидаги ақидапараст диндорларнинг қутқуси билан шундай бўлди. Тожикистонда улар учун ижтимоий база мутлақо йўқ. Демократик партиянинг раиси Шодмон Юсупов эса рус кишиларини Тожикистоннинг тутқунлари деб атади. Ўша Юсуповни Тожикистоннинг Россиядаги элчиси лавозимига тавсия этишаётган экан, мен буни мутлақо тушунмайман.

Кейинги вақтларда Абдуманноп Пўлатов ҳақида кўп ёзишди. Бу ҳақда шуни айта оламанки, суд уни уч йилга ҳукм қилди. Президентнинг афв этиш ҳақидаги Фармонига биноан уни озод қилишди. Менга маълум бўлишича, у уйида, соғ-саломат.

Мухолифларим мени диктатор қилиб кўрсатишни жуда хоҳлайдилар. Тан оламан: эҳтимол, менинг ҳаракатларимда авторитаризм нишоналари бордир. Аммо мен буни фақат бир нарса билан изоҳлайман: тарихнинг муайян даврларида, ҳақиқий давлатчилик қарор топаётган пайтда, айниқса бир тизимдан иккинчисига ўтиш даврида, ҳар ҳолда кучли ижроия ҳокимияти зарур. Қон тўкилишига ва қарама-қаршиликка йўл қўймаслик, минтақада миллатлараро ва фуқаролар тотувлиги, тинчлиги ва барқарорликни сақлаш учун шундай бўлиши зарур, бу йўлда мен жонимни фидо қилишга тайёрман. Таъбир жоиз бўлса демократия сари ҳаракат қилиш учун ҳам шундай бўлиши зарур.

Суҳбатдош
В. ФРОНИН.
(«Комсомольская правда», 12 февраль).

МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИДА

БОЛАЛАРГА КАМАРБАСТА КИШИЛАР

Оҳалик тоғ этакларида сайр қилсангиз баҳри дилингиз очилиб, кайфиятингиз кўтарилади. Жаннатмакон жойлар қишин-ёзин сизга баҳор фаслини эслатиб туради.

Самарқанд райони ҳокимлиги тасарруфида бўлган сеҳрли манзаралар қиёфаси яна гўзаллашмоқда. Бу ерларда маданий-маърифий бинолар билан хўжалик ва иқтисодий аҳамиятга молик бўлган кошоналар ҳам қад кўтараётганлиги фикримизнинг далили бўла олади.

Товуқ фабрикаси ёнида жойлашган хушманзара боғда миллий услубда қурилган коттежлар ўтган-кетганнинг диққатини ўзига тортмай қўймайди. Коттежлар ва хўжалик биноларни мевали ва манзарали дарахтлар ўраб олган. Ана шу коттежларда Самарқанд район халқ таълими бўлимига қарашли 12-болалар боғчаси фаолият кўрсатмоқда.

Озода, саранжом-саришта сақланаётган кенг ҳовли ва ҳавоси мусаффо бўлган хоналарда жажжилар мириқиб дам олмоқдалар, меҳршафқат билан тарбияланяптилар.

Бу намунали даргоҳда тарбияланаётган болалар товуқ фабрикаси ҳамда «Гулистон» жамоа хўжалигида меҳнат қилаётган оналарнинг фарзандларидир.

Боғчада ҳар бир болага алоҳида муносабат ва меҳрибонлик кўрсатиляпти. Тарбиячиларнинг меҳрибонлиги туфайли ҳар бир отаона улардан миннатдор бўлиб, ўзларининг иш жойларида унумли меҳнат қилмоқдалар.

Ҳовлида жойлашган 4 та коттежда иккита кичкина гурухда 56 бола, иккита ўрта гурухда 50 бола, шунингдек, тайёрлов гуруҳида 44 бола тарбияланаяпти. Боғчанинг филиалида 17 бола (филиал мева-сабзавот техникуми қошида очилган) табрияланмоқда.

Ибратли тадбирлар билан бирга, киши диққатини ўзига тортаётган ишлар, у ҳам бўлса, боғчада жисмоний тарбия ҳамда мусиқий машғулотларга катта эътибор берилмоқда.

Боғча мудираси Ҳикоят Раҳматова билан бўлган суҳбатимиз мазмунли бўлди. Жумладан, у киши қуйидагиларни гапириб берди:

— Боғчамизда тарбияланаётган болаларни ўз фарзандидек, меҳр билан тарбиялаётган тарбиячилар кўпчиликни ташкил қилади. Жумладан, Зуҳро Муродқулова, Раҳима Ғаффорова, Зуҳро Раҳимова, Зурафо Раҳматова, Лола Саидоваларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Юқорида номлари тилга олинган тарбиячиларнинг билимдонлиги, ташаббускорлиги туфайли боғчамизнинг номи район халқ таълими бўлимида ташкил қилинган ҳурмат тахтасидан тушмай келмоқда.

Боғчамиздаги 5 та гуруҳда 167 нафар бола тарбияланмоқда. Ҳозирги бозор иқтисоднёти шароитида ҳар бир болани едириш, кийинтириш, ҳазилакам иш бўлмай қолди.

Бизнинг кўп йиллардан буён мушкулимизни осон қилиб келаётган товуқ фабрикаси маъмурияти (фабрика директори С. Одилов) шу кунларда ҳам ёрдамларини аямаяпти.

З. БАҲРИЕВ,
ўз мухбиримиз.

ГУРУҲЛАРНИНГ САМАРАСИ

Кимё-биология муаллимаси Раҳима Ғайбуллаеванинг номи бугун фақат Сирдарё туманидагина эмас, балки вилоятдаги ҳамма муаллимларга ҳам таниш дейилганда хато ҳисобланмаса керак. Чунки у вилоятда биология фанининг самарадорлигини оширишда, шу соҳа мутахассисларига яқиндан кўмаклашишда ўттиз йилча бўлибдики, беминнат хизмат қилиб келмоқда. Унинг иш тажрибалари бир неча бор оммалаштирилиб, ёш муаллимларга дастур бўлиб келмоқда.

Раҳима опанинг педагогикага кириб келиши ҳам анчагина қизиқарли. Отаси Ғайбулла ака асли деҳқон бўлиб, бўш вақтларида табибчилик билан шуғулланар, бод, бўғма, экзема каби касалликларни табиий ўсимликлар билан даволар эди... Хуллас, ёшлигидан табиат шайдоси бўлган Раҳиманинг бугун етук биология мутахассиси бўлишига озми-кўпми отасининг ҳиссаси катта. Узоқ йиллардирки, у ана шу соҳани танлаб, Бахт шаҳридаги 3-мактабда ўқувчиларга сабоқ бериб келаяпти.

— Дарс ўтиш услубим оддий, — дейди у. — Ўқувчиларнинг ҳаммаси ҳам тушунтирилаётган темани бир хилда қабул қилавермайди. Масаланинг бу жиҳатини ўйлаб, осон йўлини топдим...

Ҳа, унинг усули ҳақиқатан ҳам оддий. Аҳамият беринг-а! Синфда ўқувчилар ўтирибди. Улар бир синфда ўқишсалар-да, бироқ биология дарсида турли гуруҳларга бўлинган. Дарснинг тушунтирилиши эса ҳамма учун бир хил. Хўш, унда гуруҳнинг нима кераги бор, деган саволнинг туғилиши табиий. Ҳамма гап мана шунда-да!

Раҳима опа ўқувчининг қобилиятига қараб рангли тасвирлар, ўтилаётган темага оид кўргазмали қуролларни гуруҳга қараб тарқатиб чиққач, тема мазмунини тушунтиришга киришади, ўқувчилар эса темани эшитиш билан бирга, қўлларидаги кўргазмалардан фойдаланиб, хулосалар чиқариб олишади. Масалан, «Илдиз» темаси ўтилганда илдизнинг бир неча хилдан иборат эканлиги ўқувчиларга тушунтирилиб, илдиз хиллари чизилган дидактик материаллар улар олдига қўйилади.

— Бир қарашда арзимас туюлган бу услуб, аввало, ўқувчини темага чуқурроқ ёндашишга ундаса, иккиламчи, содда ва ихчамлиги билан унинг қалбига тезроқ сингади. — Умуман, ўйин усулидан ҳам кенг фойдаланаман, — дейди у. — Кейинги натижалар чакки эмас. Айрим синфлардаги «қолоқ» ҳисобланган ўқувчиларнинг ҳам ўзлаштиришлари, эндиликда чакки эмас. Улардан айримлари туман, вилоят, ҳатто жумҳуриятда ўтказилган олимпиадаларда иштирок этишиб, совринли ўринларни қўлга киритишди.

Хуллас, Раҳима опанинг гуруҳларга бўлиб ўқитишининг самараси ҳам яхши бўлмоқда. Чунончи, ана шу гуруҳларда таълим олган ўқувчиларнинг кўпчилиги бугун устозлари изидан бориб, биология фанини чуқур эгаллаган, тумандаги кўпгина мактабларда сабоқ беришмоқда.

Суратда: Р. Ғайбуллаева ўқувчиларга биологиядан сабоқ бермоқда.

А. Акмалов тасвири.

АКС САДО

ТУРТКИ БЎЛДИ

— Юқори синфда ўқувчи қизларнинг кейинги пайтларда фақат тўй-маъракалардагина эмас, ҳатто мактабга ҳам турли ялтир-юлтир кийимларда, бўяниб-сўяниб келишаётгани бизни ташвишга солаётган эди, — деди Бўз туманидаги Й. Охунбобоев номли 11-ўрта мактаб қизлар кенгашининг раисаси Султоной Отақўзиева яқинда бўлиб ўтган анжуманда. — Мактабимизнинг тажрибали ўқитувчиларидан Раъно хон опа Жўраева билан маслаҳатлашиб, қандай қилсак уларнинг дилини оғритмаган ҳолда яхшироқ тушунтира олишимиз ҳақида кўп ўйладик. Мактаб директорининг ўринбосари Ҳакимжон ака Абдуллаев билан ҳам маслаҳатлашдик. Бахтимизга «Маърифат» газетасининг 1992 йил 5 декабрь сонида ахлоқ ва одоб мавзуида филология фанлари номзоди Қ. Каримовнинг «Ҳечдан кўра кеч...» сарлавҳали мақоласи чиқиб қолди. Биз кўпдан бери тушунтиришга қийналиб юрган фикрларимизни домла содда, аммо ишонарли далил-исботлар билан ифодалабдилар. Шу мақола туртки бўлди-ю, анжуманни ўтказдик.

Қизлар анжуманида ўқитувчилардан Гулсорахон Отақўзиева, ўқувчилардан Улфатхон Чўлпонқулова, Зоҳидахон Имомова, Хадичахон Эркабоева ва бошқалар ҳам фаол иштирок этишиб, ўқувчи қизларнинг қандай кийиниши, юриш-туриши, одоб ва ахлоқи ҳақида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

В. ТОЖИМАТОВ.
Андижон вилояти.

МУЗЕЙДА ЎТИЛГАН САБОҚ ЖОЗИБАСИ

Кузатиш ва тажрибаларимиздан маълумки, бизда илғор ва фидойи ўқитувчилар жуда ҳам кўп. Уларнинг иш тажрибаси ўрганишга ва тарғиб этишга лойиқ. Улар айрим дарсларни мустаҳкамлашда анъанавий бўлмаган услублардан унумли фойдаланмоқдалар. Жумладан, Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди юзасидан мактабда ўтилганларни мустаҳкамлаш учун конференция ва семинар, баҳс ва мунозара, саёҳат — дарс ва очиқ дарслар ўтказмоқдалар. Бу дарслар кутилган яхши натижаларни бермоқда.

Ленинобод пединститути профессори Э. Шодиев, Тошкент Давлат дорилфунуни доценти Н. Бекмирзаев, Тошкент давлат тиббиёт институти доцентлари Э. Худойбердиев, Г. Расулова, Тошкент давлат педагогика институти доценти А. Рафиев, Тошкент шаҳридаги 274-мактаб ўқитувчиси М. Валиева, 122-мактаб ўқитувчиси Қ. Ғуломова ва бошқаларнинг иш тажрибалари таҳсинга сазовор. Улар Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида мунтазам дарс ўтказиб келмоқдалар. Биз бу ўринда музей ва мактаб ҳамкорлиги анча яхши самаралар беришини алоҳида таъкидлашни истар эдик. Зеро, ўқувчиларда нафосат ва гўзалликка муҳаббат уйғотиш адабиёт музейининг бош мақсадларидан биридир. Бу ердаги кўплаб ноёб ва қизиқарли кўргазмали қуроллар ўқитувчига жуда қўл келади. Шундай экан, ўқитувчи, аввалло, музейда ўтказиладиган машғулот мавзуини олдиндан белгилаб олади. Аниқ режа тузиб, қўшимча манбалардан фойдаланади. Чунки музейнинг иккинчи қаватидаги ўн икки кўргазма хона бус-бутунича Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўзида имкон қадар акс эттирган.

Навоийга бағишланган кўргазмали хоналар илмий — мавзули режа асосида тузилган бўлиб, мактаб дастурига мос тушади. Шунинг билан биргаликда, Навоий кўргазмаси материалларга бой бўлиб, алоҳида аҳамият берилишини тақозо этади. Чунки бу кўргазмада таниқли мусаввирларнинг қиркдан зиёд санъат асарлари, турли бадиий безаклар, қўлёзма ва тошбосма асарлар, деворий расмлар, тарихий ҳужжатлар, суратлар, миниатюралар, китоблар, халқ амалий санъати буюмлари ва бошқа ноёб материаллар бор. Шунинг учун биз «Навоий шеърияти» мавзуида, биргина кўргазма хона мисолида, бир соатлик дарснинг тахминий йўналишини берамиз.

Ўқитувчи музейда дарс ўтишдан олдин қуйидагиларни амалга ошириши лозим: машғулот мавзуини, саёҳат йўналишини белгилаб олиши, дарслик материаллари билан чекланмай, қўшимча адабиётлардан фойдаланиши, саёҳат-дарс мавзуини белгилайдиган аниқ кўргазмаларни танлаши, машғулотни олиб бориш усул ва методларини аниқлаши, қисқача конспектга эга бўлиши, мазмунли ва мақсадга мувофиқ бўлган бир неча саволлар тузиши, машғулотнинг аниқ режасига эга бўлиши керак. Қуйидаги режа асосида саёҳат-дарс ўтказиш мумкин:

1. «Илк девон» ҳақида маълумот.
2. Юксакликнинг маълум сабаблари.
3. Навоий шеърияти қаҳрамонлари.
4. Миниатюра ўқишни биласизми?
5. Саёҳат — машғулотни хулосалаш.

Ўқитувчи музейдаги дарсни «Навоий шеърияти» кўргазмасидан жой олган «Илк девон» ҳақидаги маълумотлар билан бошлайди.

Нодир қўлёзмаларнинг ўзига хос ёзилиш ва яратилиш тарихи бор. Улар турли давр тўсиқларидан ўтиб, бизгача етиб келган, адабий меросимизда муҳим ўрин тутган муҳим манбалардир. Бундай ноёб қўлёзмалар бебаҳо ҳужжат бўлиб, ҳусниҳат санъати мактабининг етук вакиллари, ўтмишда яшаб ва ижод этган адабиёт намояндаларининг мероси ҳақида ҳикоя қилади. Булар кўҳна қадриятларимиздир.

Бу каби нодир манбалар ўқитувчи суҳбатининг таъсир кучини янада ошириб, ўқувчиларда қадимги қўлёзмалар ҳақидаги тасаввурларни бойитишда улкан роль ўйнайди. Ўқитувчи «Илк девон» ҳақидаги ҳикоясини қуйидагича давом эттиради.

Мана, шоир ижодининг дастлабки намуналарини ўзида жамлаган 1466 йили кўчирилган «Илк девон» қўлёзмасининг факсимиль (қўлёзма бутун борлигича суратга туширилган) нашри. Мазкур девон филология фанлари доктори, профессор Ҳамид Сулаймоновнинг жиддий изланишлари самараси бўлиб, 1968 йилда нашрдан чиқарилган.

Маълумки, Алишер Навоийнинг ёшлик чоғларида яратган лирик шеърлари халқ орасига жуда тез тарқалиб, турли мушоираларда ўқилган. Девонлар тартиб этилиб, бастакорлар томонидан куйга солинган, хонандалар эса қўшиқ қилиб ижро этишган.

Ўқитувчи шу ўринда ўқувчиларга «Сиз Алишер Навоийнинг қандай ғазал, рубоий ва туюқларини ёд биласиз? — деган савол берса ва бунга жавоб олса, машғулот анча жонланади. Дарснинг давоми қуйидагича боради.

Алишер Навоийнинг ўз қўли билан ёзган бирорта дастхати ҳозирча фанга маълум эмас. Шунинг учун факсимиль нашрлар биз учун катта аҳамият касб этади. «Илк девон»нинг қўлёзмаси Ленинграддаги Салтиков-Шчедрин номли Давлат кутубхонасида 564-тартиб рақамида сақланади Ҳирот бадиий қўлёзмаларининг шоҳ китобларидан ҳисобланган бу девонни Навоий замонасининг буюк ҳаттоти Султонали Машҳадий кўчирган.

Қўлёзма хати настаълиқ услубида, Хуросоннинг олий сифатли ипак қоғозига қора сиёҳда ёзилган. Матн кўчирилган ҳар бир саҳифа ложувард, пистоқи, яшил, самовий, новвотранг, қирмизи заъфарон рангларга бўялган. Китоб ҳошияларига турли бўёқлар билан гул ва дарахт баргларидан нақшлар ишланган. Уларнинг орасига турли-туман ҳайвонлар ва қушлар расми чизилган.

Ўқитувчи нодир қўлёзма ҳақида сўзлар экан, ўқувчиларга бу девон ёш шоирнинг илк ижоди, фалсафий-эстетик қарашлари, ижтимоий-сиёсий тузумга муносабати ва маҳоратининг шаклланиши каби масалаларни ўрганишда ҳамда ўша давр адабий муҳитида ижодкорнинг тутган ўрнини аниқлашда бебаҳо манба эканлигини уқтиради.

Шу ўринда ўқитувчи ёш Алишерда шеъриятга ҳавас қандай уйғонганлиги, бу юксакликнинг ўзига хос сабаблари ҳақида ҳам тўхталса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Бир куни ёш Алишер туркийзабон шоирларнинг сардори Лутфий ҳузурига кириб келади. Ижодий суҳбат чоғида Лутфий ёш дўстидан шеър эшитиш истагини билдиради. Шунда Алишер ўзининг қуйидаги машҳур ғазалини Лутфий эътиборига ҳавола қилади. Бу ғазал шундай бошланади:

Оразин ёпқоч кўзимдан
сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким пайдо бўлур
юлдуз ниҳон
бўлғоч қуёш...

Лутфий бу ғазални тинглаб, бағоят даражада таъсирланади. Кекса шоир мазкур ғазалнинг юксак бадиий маҳорат намунаси эканлигини очиққасига эътироф этиб, йиғлганларга шундай дейди: «...Агар муяссар бўлса эди, ўзимнинг ўн — ўн икки минг форсий ва туркий байтимни шу ғазалга алмаштирар эдим ва бу ишнинг юзага чиқишини зўр муваффақият ҳисоблардим».

Ўқитувчи Алишернинг ёшлик чоғлари битган бир ғазалига улуғ шоирдан бу каби юксак таъриф эшитмоқлигини қандай изоҳлаш мумкин? — деган саволни ўртага ташлаб, ўзи бунга шундай жавоб беради:

— Ғиёсиддин Баҳодиржон ўғли Алишернинг тарбиясига ёшликдан алоҳида аҳамият берган. Манбаларда таъкидланишича, хусусан, Давлатшоҳ Самарқандий ўз тазкирасида «У ўз фарзандини турли фазилатлар билан безаш учун олий ҳимматининг борини сарф қилди ва у бузрукворнинг ҳаракати бекор кетмади, бунинг натижасида унинг ўғли иззат ва катталик тахтига ўтирди...», деб ёзиб қолдирган.

Ўқитувчи суҳбат давомида турли тарихий манбалардан олинган парчаларни ўқувчилар дафтарига ёздириб қўйиши ҳам мумкин. Бу парчалар ўқувчилар билим доирасини ва тасаввурларини бойитиш билан биргаликда, уй иншоси ёзилганида жуда асқотади.

Ўқитувчи ўқувчилар диққат-эътиборини хонада катта ўрин эгаллаган йирик деворий расмларга қаратади. Бу деворий расмлар «Навоий лирик қаҳрамонлари» деб номланган. Мазкур жозибали санъат асарлари орқали ўқувчилар қалбида гўзаллик ва нафосатга муҳаббат уйғотилади. Айни пайтда ўқувчиларни дарсликда учрамайдиган Навоий шеърияти дурдоналаридан хабардор этилади. Ўқитувчи деворий расмлар ҳақида қуйидагича маълумот бериши мумкин.

Бу монументал деворий расмларнинг муаллифлари Ўзбекистон халқ рассоми, профессор Чингиз Аҳмаров ҳамда доцент Тўхтабек Сойибовлардир. Деворий расмлар ишланган саҳн ним зумрад рангга бўялган. У гўё баҳор либосига бурканган чаманзорни эслатади. Майсазорни эса гуллаган дов-дарахтлар, мажнунтоллар, турфа гуллар безаб турибди. Рассомлар бу латофатли кўринишларга рамзий маъно юклаб, буюк шоир шеъриятини мана шундай гўзал, мафтункор гулшан каби тасаввур этадилар.

Достонларда айтилган афсонавий Эрам боғига ўхшаш бу ҳушманзара қучоғида Навоий шеъриятининг қаҳрамонлари мужассамланган бўлиб, ниҳоятда, хушрўй йигитлар ва келишган санамлар сиймоси моҳирона тасвирланган. Деворий расмлар ўндан ортиқ алоҳида кўринишга эга бўлган лавҳалардан иборат. Ҳар бир лавҳага араб алифбосида устоз шоир Чархий қўллари билан жуда гўзал байтлар, яъни матлаълар (ғазалнинг бошланувчи дастлабки икки мисраси) илова қилинган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, деворий расмда ҳеч бир кескин, кўзга яққол ташланувчи ранглар ишлатилмаган. Балки, ниҳоятда, нафис ним ранглар асарга алоҳида лиризм бахш этиб, уларнинг муқаддас ва шоирона чиқишига сабаб бўлган.

Ўқитувчи шу ўринда бу санъат асари — рассомларнинг буюк шоир шеъриятига бўлган меҳр-муҳаббатларининг ёрқин рамзи сифатида адабиёт ихлосмандларига эстетик завқ бағишлаши ва улар маънавий оламини бойитишини алоҳида уқтириб ўтади.

Шундан кейин ўқитувчи кўргазмали ўрин олган ва XV асрдан бизгача етиб келган миниатюра нусхаларидан намуналар кўрсатиб, ўқувчиларга: «Миниатюра» ўқишни биласизми?» — дея мурожаат қилади. Улар диққатини бир ерга жамлаб, бу саволга ўзи қуйидагича жавоб беради:

Миниатюралар ҳажм жиҳатидан бирмунча чекланиб, уларда бир неча лавҳа тасвирланади. Улар пастдан юқорига қараб жойлаштирилади. Асардаги бир неча деталларнинг ўзаро боғланиши натижасида умумий бир композицион бутунлик ва кенг кўламли манзара ҳосил бўлади. Тасвирланаётган воқеалар, одамларнинг ҳаракатда, иш жараёнида акс эттирилиши мазкур расмларга алоҳида такрорланмас руҳ, ўзига хослик бағишлайди.

Дарҳақиқат, миниатюралар гўзаллик намунаси бўлиб, ўқувчиларни гўзал бир оламга етаклайди. Ўқувчилар шу тарзда нафосат билан учраша борадилар. Ўқитувчи XV аср тасвирий санъат усталари ҳақида гапириб, кўргазмадаги бир миниатюрани «ўқиб» беради:

XV асрдан бизга шундай ноёб миниатюралар етиб келганки, булар ҳозирда жаҳон маданиятининг нодир намуналари сифатида сақланмоқда. Тасвирий санъат бобида Мир али Қилқалам, Мирак Наққош, Камолиддин Беҳзод, Маҳмуд Музаҳҳиб, Қосим Али каби моҳир истеъдод соҳиблари етишди.

Машҳур мўйқалам соҳиби Қосим Али 1525 йилда яратган «Навоий буюк шоирлар даврасида» номли миниатюра нодир дурдона саналади. Миниатюрада Жомий мададкорлигида Навоийнинг гўзал боғда адабий мунозара ва мушоира мажмуасини қизитаётган улуғ шоирлар — Ҳасан Деҳлавий, Низомий Ганжавий, Ҳусрав Деҳлавий, Шайх Саъдий, Абдулқосим Фирдавсий, Саноий, Анварий, Ҳоқонийлар даврасига кириб келишлари ва у нафис йиғилишда Навоийга яратган улкан иши — «Ҳамса» туфайли кўрсатилган илиқ илтифот, дўстона муҳаббат манзараси тасвири жозибали рангларда қоғозга муҳрланган. Бу ҳаёлий тасвирнинг алоҳида кайф этиладиган томони шундаки, мажлис аҳллари — шоирлар турли мамлакат ва халқ намояндалари бўлиб, асарда гуманист Навоийнинг теран халқчиллик ва буюк дўстлик ғоялари ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Ўқитувчи машғулотни якунлар экан, ўтилганлар юзасидан савол-жавоб уюштиради. Уйга баъзи топшириқларни беради. Ўқувчиларга «Навоий шеърияти» кўргазмасидан олган таассуротларим» мавзуида уй иншоси ёзишни маълум қилади.

Баҳодир ВАЛИЕВ,
Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейининг илмий ходими.

ТАДБИРКОРЛИК ОДИМЛАРИ

КОСОН ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИДА ЎЗ-ЎЗИНИ МАБЛАҒ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ ИБРАТЛИ ТАЖРИБАЛАР

ЯНГИЧА ЁНДАШУВ САМАРАСИ

Бозор иқтисоди шароити халқ таълимини маблағ билан таъминлашга ҳам салбий таъсирини кўрсатаётганлиги бугун сир эмас. Моддий-ўқув-базасини мустаҳкамлаш, янги ўқув биноларини барпо этиш, таълимнинг замонавий техника воситаларига эга бўлиш, зарур ускуналар ва ўқув жиҳозларини сотиб олиш керак. Бироқ буларнинг ҳамма-ҳаммаси учун маблағ етишмаётир. Нарх-навонинг кун сайин ошиб бораётганлиги, зарур ўқув ашёларининг, жиҳозларнинг, бинокорлик материалларининг тақчиллиги бу борада янада чигалликларни келтириб чиқармоқда. Лекин ёш авлоднинг ўқиши ва замон талаби даражасида билим олиши учун етарли шарт-шароит яратиш маорифчилар олдидаги долзарб вазифадир. Вазифани тўлиқ уддалаш учун нима қилиш керак?

Кўплар қатори бу муаммони Косон шаҳар маорифчилари ҳам ечиш йўлларини изладилар. Халқ таълими муассасаларида ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш тадбирларини тажриба тариқасида амалга оширишни бошладилар. Ҳаётни кузатиш, ақл-заковат билан иш юритиш, тадбиркорлик калаванинг учини топишга ёрдам берди. Орадан уч йил ўтгач, тажриба тариқасида амалга оширилган тадбирлар самараси яққол кўзга ташланди.

Косон шаҳар халқ таълими бўлимининг мудири Зайнаб Дўстёрованинг Қашқадарё вилоят халқ таълими ходимларининг амалий кенгашида «Халқ таълими муассасаларида ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш борасидаги дастлабки қадамлар» мавзусидаги маърузаси кўпчиликни ҳайратга солди. Сиртдан қараганда оддий тажрибавий тадбирлар ўқитувчиларни ҳам, ўқувчиларни ҳам, жамоани ҳам ўзига тўлиқ жалб этган. Уларнинг таълим-тарбия жараёни билан боғлиқлиги замирида аниқ мақсадлар борлиги, касб-корга йўналтиришдан тортиб, шахс ва таълим муассасаси манфаатдорлигини кўзда тутганлиги, айниқса, қувонарлидир. Косонлик маорифчиларнинг ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш борасидаги тажрибаларини Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев ҳам қўллаб-қувватлади, бундай янгиликларга яшил йўл очиш лозимлигини қайд этди.

Дарвоқе, илк тажриба нимадан бошланди? 1989 йил эди. Ўша пайтда билимли, ғайратли Зайнаб Дўстёрова шаҳар халқ таълими бўлимига мудир этиб тайинланганига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ эди. Халқ таълими бўлими кенгашида мактабларни таъмирлаш масаласи муҳокама қилинди. «Яна илгаригидек таъмирлаш идорасига пул ўтказамизми ёки бу ишга янгича ёндошамизми?» — деган савол ўртага ташланди. Кенгаш қатнашчилари ўйлаб қолдилар. Одатда, мактаб биноларини таъмирлаш бўйича сметада кўрсатилган маблағ қурилиш ташкилотига ўтказилар, биноларни таъмирлаш ишини ўқитувчилар бажаришар ва бунинг эвазига бор-йўғи 18 фоиз иш ҳақи олардилар. Яна бунинг устига қурувчиларга шаҳар халқ таълими бўлими қурилиш материалларини олиб берарди. Бу халқ таълими бўлими учун кони зарар эди. Нима қилмоқ керак?

Ишга янгича ёндашиш зарур эди. Шу сабабли чуқур ўйланиб халқ таълими бўлими қошида хўжалик ҳисобидаги қурилиш-таъмирлаш бошқармаси (ХРСУ) ташкил этилди.

Янги ташкилот туфайли тезда аҳвол ўзгарди. Таъмирлашда қатнашган ишчиларга умум маблағнинг 40 фоизи иш ҳақи қилиб тўланди, 10 фоизи устама мукофот тарзида берилди. Ортиб қолган маблағга эса таъмирлаш учун зарур материаллар олинадиган бўлди. Эндиликда хўжалик ҳисобидаги қурилиш-таъмирлаш ташкилотида 55 доимий ишчи, 110 киши мавсумий ишчи бўлиб ишламоқда. Улар кучи билан мактаб ва боғча биноларигина эмас, ҳатто маорифчиларнинг шахсий уйлари ҳам навбати билан сифатли таъмирлаб берилмоқда. Ҳисоб-китобларга қараганда хўжалик ҳисобидаги қурилиш-таъмирлаш ташкилоти томонидан 1990 йилда 507 минг сўмлик иш бажарилиб, 114 минг сўм фойда кўрилган бўлса, ўтган йили ярим миллион сўмлик таъмирлаш ишлари адо этилиб, 500 минг сўм фойда кўрилди. Ўтган уч йил ичида эса соф фойда миқдори 1 миллион 294 минг сўмни ташкил этди ва бунинг маълум қисмига қурилиш материаллари сотиб олинди. Буни ишга тадбиркорлик билан янгича ёндашишнинг дебоча самараси, деб айтиш мумкин.

ТУШУМ МАНБАИ КЎП

Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади, дейишганидек тадбиркорлик кўзи билан қараб иш юритилса, мактабларда ва мактабдан ташқари муассасаларда ҳам маблағ ишлаб топишнинг манбаи кўп экан. Бу борадаги иш шаҳардаги «Ёшлар ва ўсмирлар уйи»дан бошланди.

— Тўгаракларимизни ўз харажатларини ўзи қоплаш ва тушум келтириш манбаига айлантириш истаги туғилди, — дейди «Болалар ва ўсмирлар уйи» директори Холмурод Ҳайитов. — Ана шу мақсадда дастлаб асаларичиликка эътиборни қаратдик ва 50 оила асалари сотиб олдик. Ёш асаларичилар фаолиятига шу соҳанинг мутахассиси Баҳодир Ҳақбердиев бошчилик қилди. Тўгарак ишига унинг 30 нафар шогирди (асосан ўқувчилар) жалб этилди. Ишни илмий асосда ташкил этиш, биринчидан, ўқувчиларга бу касб сирларини пухта ўзлаштириб олишга имкон берса, иккинчидан, асал олишни кўпайтириш йўлларини излашга чорлади. Тез орада асаларилар 80 оилага етди. Ўтган йили эса улардан 1,5 тонна асал олиниб, болалар боғчаларига арзон баҳода ўтказилди. Бу ишда қатнашган 10-синф ўқувчиларидан Мирза Шукуров, Дилшод Азимов сингари ёш асаларичиларнинг ҳар бири шу мавсумнинг ўзида 18 минг сўмдан иш ҳақи олдилар.

Нутрачилик тўгараги ишини 1990 йилда бошладик. Дастлаб 5 та нутра сотиб олган эдик. Эркин Азимов раҳбарлигидаги бу тўгаракда ҳозир 30 дан ортиқ ўқувчи шуғулланмоқда. Нутралар кўпайиб, 40 тага етди. Улар яна кўпаймоқда. 15 та она нутранинг ҳар бири 10 тадан бола берди. Ажратиб боқилаётган эркак нутралардан мўйна олинаётир. Хомашёни ўзимизда қайта ишлаш, яъни телпак тикиб сотиш ҳам кўзда тутилди. Бу ишни ўқитувчи Э. Азимовнинг ўзи амалга ошираётир. Даромад эса «Болалар ва ўсмирлар уйи» ҳисоби счётига ўтказилмоқда.

Қуёнчилик, паррандачилик сингари ёрдамчи хўжаликларимиз ҳам ташкил этилди. Паррандачиликдан ўтган йили қарийб 10 минг дона тухум олинди. Кўпайиб кетган паррандаларнинг бир қисмини алоҳида боқиб, гўштга топширяапмиз.

Қодир Зоҳиров бошлиқ нонвойчилик тўгарагида 15 ўқувчи шуғулланмоқда. Бу тўгарак ҳар ойда 1,5 минг сўмдан зиёд соф фойда олаётир.

Бичиш-тикиш тўгарагининг 100 га яқин аъзоси боғчалар буюртмаларини адо этмоқда. Шаҳар халқ таълими бўлими бу тўгарагимизни 2000 метр газлама ҳамда 1 тонна сунъий ип билан таъминлади.

Умуман, ўзимиздаги мавжуд 18 та тўгарак ҳам ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш ва тушум келтириш асосида фаолият кўрсатиши тадбирларини амалга ошириш учун дадил ҳаракат қиляпмиз. Ҳозирча даромадларимизни жамласак, 150 минг сўмдан зиёд нақд пулни ташкил этади. Ана шу даромадлар эвазига тўгарак қатнашчиларига ҳам иш ҳақи тўлаб борилади. Ҳам тарбия, ҳам моддий манфаатдорлик бор жойда эса ишбилармонликнинг уфқлари очила беради. Бундан эса ҳамма — ўқувчи ҳам, ўқитувчи-мутахассис ҳам, муассаса ҳам, халқ таълими ҳам, пировард натижада жамият ҳам ютади.

ЯХШИ ИШНИНГ ЯШИЛ ЙЎЛИ

Тадбиркорлик борасидаги ташаббус тез орада шаҳардаги мактаблар ва таълим-тарбия муассасаларига ҳам ёйилди. Фаолият шакллари турлича, мақсад эса бир: тарбия, моддий манфаатдорлик асосида касбга йўналтириш ва бу орқали маориф учун даромад келтириш.

Шаҳардаги йирик билим масканларидан бири Пушкин номли мактабда ишбилармон ўқитувчи Берди Қодиров раҳбарлигидаги дурадгорлик, темир пайвандлаш тўгараклари ташкил этилди. Мактаб устахоналари зарур ускуналар билан жиҳозланди. Ёш дурадгорларга ва пайвандчиларга буюртмалар берила бошланди. Арзон ва сифатли иш бажариш буюртмачиларга маъқул бўла бошлади. Дастлаб тўгараклар қатнашчилари бўлган ўқувчилар тушган даромаддан 40 сўмдан ҳақ олган бўлсалар, эндиликда 200—300 сўмдан ва ундан зиёд иш ҳақи олмоқдалар. Улар ҳар куни 3 соат ишлашади: ҳам ҳунар сирларини ўрганишади, ҳам иш бажаришади.

Тўгаракларда ўқувчилар адо этаётган ишлар хилма-хил ва қизиқарлидир. Ёш дурадгорлар болалар боғчалари учун кичкинтойларга монанд курсилар, шкафлар тайёрлаб беришмоқда. Улар шаҳардаги тайёрлов идораси буюртмаларини ҳам бажаришяпти. Чиқинди тахталардан мева-сабзавотлар учун яшиклар ясаш таннархнинг арзон бўлишини таъминлаяпти.

Шаҳар халқ таълими бўлимига С. Айний номли мактаб вакиллари мактабда иссиқхона қуриш масаласида маслаҳатга боришди.

— Режаларингиз жуда яхши, — деди шаҳар халқ таълими бўлими мудири Зайнаб Дўстёрова. — Иссиқхонани ким қуриб беради?

— Қурувчиларга айтгандик. Катта маблағ сўрашаяпти. Шунча пулни қаердан ҳам оламиз, — дейишди ўқитувчилар.

Зайнаб опа бироз ўйлаб турди-да, кейин ўз мулоҳазасини айтди:

— Пушкин номли мактаб ёш пайвандчиларига буюртма берсангиз-чи? Ҳам иш тез битади, ҳам арзонга тушади.

— Шундай қилса бўларди-ю, лекин ёш пайвандчилар тажрибасизлик қилиб...

Зайнаб опа кулди, кейин деди:

— Биласизларми, халқда бир мақол бор кичкина деманг бизни, кўтариб урамиз сизни...

Хонани қувноқ қаҳ-қаҳа тутди. Кейин опа жиддийлашди-да, деди:

— Ишонч билан ёш пайвандчиларга буюртма бераверинг, ютқизмайсизлар. Улар яқинда 11-боғчага 240 квадрат метрлик иссиқхонани қойил-мақом қилиб қуриб беришди. Бориб кўринглар, албатта, ёқади. Нима бўлганда ҳам пулингиз зое кетмайди. Маблағни қурувчилар олгандан кўра, қўшни мактаб пайвандчилари олгани маъқул-да. Қўйнидан тўкилса, қўнжига деганидек...

Кўп ўтмай ёш пайвандчилар шартнома асосида С. Айний номли мактаб учун 375 квадрат метрлик иссиқхона қуриб беришди. Сўнг мактабда сабзавотчилик ташкил этилиб, иссиқхонада пиёз, турли кўкатлар, 10 тонна помидор етиштирилди. Даромад ҳам чакки бўлмади, 50 минг сўмга етди.

Умуман, Косондаги 11 та умумтаълим мактаби, 12 та болалар боғчаси, 6 та мактабдан ташқари болалар муассасаларининг аксариятида ишбилармонликнинг турли кўринишдаги шакллари фаолият кўрсатмоқда. Ибн Сино номли, Киров номли мактабларда дурадгорлик, кулолчилик, холвапазлик, темирчилик, сим сават тўқиш сингари тўгараклар ишлаб турибди. 6-мактабда эса ер участкасида макка ва лавлаги етиштириш амалга оширилди. Улар бир мавсумнинг ўзида 50 тонна озуқа етиштириб, шаҳар «Ёшлар ва ўсмирлар уйи» қошидаги нутрачиларга етказиб бердилар.

Зоя Космодемьянская номли мактаб қўғирчоқ таъмирчилари шуҳратини шаҳардаги ёшлар яхши билишади. Улар ташландиқ бўлиб қолган ўйинчоқ ва қўғирчоқларни йиғиб, қайта таъмирлашмоқда. Улар тайёрлаган маҳсулотлар эса ярмарка тариқасида очиқ савдода сотилиб, тушум махсус ҳисоб счётига ўтказилаяпти.

Ёш техниклар станциясидаги суратқашлик, тикувчилик, ёш табиатшунослар станциясидаги гулчилик, қуёнчилик каби тўгараклар фаолиятида ҳам ўз харажатларини ўзи қоплаш ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлашнинг илк самаралари кўзга ташланмоқда.

Ҳа, ишбилармон маорифчилар фаолиятининг сарҳадлари тобора кенгайиб бормоқда.

ДЕҲҚОНЧИЛИК — КОНИ ФОЙДА

Косонлик маорифчилар деҳқончилик ҳам қилишни кўзлашганида кўпчилик ишонмади. Бироқ халқ таълими бўлимининг мудири Зайнаб Дўстёрова халқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенгашида аниқ режа ва дастурни айтиб, сўзида қатъий турди. Ниҳоят, ижроия қўмитанинг 1991 йил декабрь ойидаги қарорига мувофиқ «Ленинград» давлат хўжалиги ҳудудидан шаҳар халқ таълими бўлими ихтиёрига 32 гектар боғ ва ер ажратиб берилди. Бу майдонда 4 та бригада ташкил этилиб, дадил ишга киришилди.

Меҳнат қилган элда азиз деганларидек, бригадаларда сидқидилдан иш олиб борилиши туфайли биринчи мавсумдаёқ салмоқли ҳосил етиштирилди. Унинг чўғи шундай: 36 тонна олма, 30 тонна помидор, 24 тонна тарвуз, 1 тонна кунжут, 12 тонна арпа-буғдой, 36 тонна лавлаги, 3 тонна сабзавот, 51 тонна хашак. Ҳосилдан бўшаган ерларга мавсумий экинлар ҳам экилди.

— Етиштирилган ҳосилни нима қилдинглар? — сўраймиз З. Дўстёровадан.

— Маҳсулотлар тайёрлов идоралари орқали болалар боғчаларига етказиб берилди, — деди у. — Мева-чеваларнинг истеъмолдан ошиқчаларидан шарбатлар, қоқилар, томатлар тайёрланди. Ўтган йилнинг кузидаёқ боғчаларимизда қиш мавсуми учун 2 тонна помидор томати, 1 тонна олма мураббоси, 1,5 тонна олма қоқиси, яна шунча миқдорда помидор тузламаси ҳозирлаб қўйилди. Боғда етиштирилган бедадан 900 боғ махсус зичланган озуқа тайёрланди.

— Бедани нима қиласизлар?

Саволимиздан таажжубландимми, Зайнаб опа мийиғида кулди:

— Керакли нарсанинг оғирлиги йўқ, дейишади. Келгусида чорвачилик ҳам қилиш ниятимиз бор. Ахир болаларимизга сут ҳам, гўшт ҳам керак.

— Халқ таълими бўлими ҳисобида деҳқончилик техника воситалари ҳам борми?

— Бор. Бир дона ДТ—75, 2 та Т—28 тракторидан фойдаланаяпмиз. Ҳисобдан чиқарилиши лозим, деб топилган 5 та автомашинани ўқувчилар ва мутахассисларимиз қайта таъмирлаб, гижинглаган отдек қилиб қўйишди. Бу транспорт воситалари мактаб ва боғчаларимиз учун жуда зарур. Боғчаларга тоза сув етказиб бериш, чиқиндиларни ташиш каби юмушлар ҳам бор, ахир. Бироқ бизни ёнилғи масаласи қийнаяпти-да...

— Ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш тушумлари туфайли халқ таълими бўлими миллионер бўлиб қолди, деган гаплар ҳам бор...

— Айтмоқчи бўлган гапингизга тушундим. Ҳа, эндиликда миллионермиз. Халқ таълими бўлимининг банкдаги очилган счётида миллион сўмимиз бор. Ишбилармонлик ҳаракатида қатнашаётган ҳар бир мактаб ва муассасанинг алоҳида ўз ҳисоб-китоб дафтари бор. Ким қанча даромад қилганини, ким тушумдан қанча сарфлаганини шу дафтардан аниқ билиб олиш мумкин. Кўп даромад келтирган, ижодкорлик билан иш юритганлар устама ҳақ ҳам оладилар. Ўз даромадига қараб ҳар бир мактаб ўз шарт-шароитини яхшилайди, имкониятларини кенгайтиради. Шаҳар халқ таълими бўлимининг ходими Бўри Қобилов ҳисоб-китобнинг тўғри юритилишини назорат қилиб боради.

Умуман, ишбилармонлик ҳаракатида қатнашаётган ҳар бир мактаб, муассаса маълум шартнома асосида иш кўради.

Зайнаб Дўстёрова шартнома нусхаларидан бирини олиб кўрсатди. Унда шартлашув бандларидан сўнг шундай жумлалар бор эди: «Юқоридаги шартнома асосида биринчи томон (халқ таълими бўлими) 199.... йил 1 январдан 199... 1 январгача зарур бўлган иш қуроллари билан таъминлаш, бажарилган ишга нисбатан иш ҳақи тўлаб бориш ва белгиланган режа асосида 50 фоиз, режадан ортиқча 70 фоиз иш ҳақи билан таъминлашни, ижодкорлик бўлганда эса рағбатлантиришни ўз зиммасига олади». Шаҳар халқ таълими бўлими барча тузилган шартномалар бўйича бунга қатъий амал қилмоқдаки, бу ўз навбатида ишбилармонлар фаолиятини тобора активлаштираётир.

— Олинган даромаддан мактаблар ва муассасалар қандай фойдаланишаётир?

— Соф фойданинг бир қисми таълим-тарбия муассасаларининг моддий-маданий шароитини яхшилашга, ишбилармонлик фаолияти имкониятларини кенгайтиришга сарфланаётир. Буни Пушкин номли мактаб мисолида ҳам кўриш мумкин. Дастлаб бу мактабда битта дастгоҳ (станок) бўлган бўлса, ҳозир 10 та дурадгорлик дастгоҳига эга бўлди. Шунингдек, мактабга темир пайвандлаш аппарати сотиб олинди. Ибн Сино номли мактаб эса ҳозир 5 та слесарлик дастгоҳига эга бўлди. Бошқа ўқув муассасаларида ҳам шу сингари ўзгаришларни кўриш мумкин, — деди З. Дўстёрова.

ИМКОНИЯТЛАР УФҚИ КЕНГ

«Таълим тўғрисида»ги қонуннинг 42-моддасида таълим муассасалари аҳолига, корхона ва ташкилотларга таълим борасида ҳақи тўланадиган (пуллик) хизмат кўрсатишга, шунингдек, амалдаги қонунларда тақиқланмаган бошқа турдаги тижорат фаолияти билан шуғулланишга ҳақлилиги қайд этилган. Ана шунга биноан, шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли муассасаларда мақсадга йўналган турли ишбилармонлик фаолиятлари тобора кенгаймоқда.

Халқ таълими бўлимининг жамғарма банкидаги тушумлари миқдори ҳам ўсиб бораётир. Маблағлар таълим-тарбия муассасалари моддий-ўқув базасини мустаҳкамлашга, мазкур соҳада яхши натижаларга эришаётган жамоаларни моддий рағбатлантиришга, ишбилармонлик фаолиятини кенгайтиришга зарур бўлган ускуналар сотиб олишга сарфланмоқда. Шунингдек, тушумларнинг маълум бир қисми мактаб ошхоналари ва устахоналарни таъмирлаш ва жиҳозлаш, болалар меҳнатини қулайлаштириш ва касб-кор ўргатиш, ўсмирларни турмушга тайёрлаш тадбирларига ишлатилмоқда.

Режалар кўп, умидлар катта. Улар ўз-ўзини маблағ билан таъминлашни янада равнақ топтиришга, ҳар бир ишбилармонлик фаолияти таълим-тарбия ишини яхшилаш билан бевосита боғлиқ бўлишига, ёшларни касб-корга йўналтиришга қаратилган.

— Муваффақиятларга эришишимизда раҳбарлик ташкилотларининг қўллаб-қувватлаши, халқ ноиблари Косон шаҳар кенгаши раиси Баҳодир Маҳмудов, Қарши қурилиш материаллари бош таъминоти Косон бўлими бошлиғи Тўйчи Фармонов, шунингдек, 21-ҳунар-техника билим юрти, «Ленинград» ва «Косон» давлат хўжаликлари раҳбарларининг кўмаги муҳим омил бўлди, — дейди З. Дўстёрова. — Келгусидаги режаларимизнинг рўёбга чиқишида ҳам улардан умидимиз катта.

Яқинда жумҳурият халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев, Қашқадарё вилоят ҳокимининг муовини О. Пармоновлар маорифчиларимизнинг олиб бораётган тадбиркорлик ишлари билан батафсил танишиб чиқишди. Улар халқ таълими бўлими муассасаларида ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш борасидаги тажрибаларни қўшни туманларда ҳам оммалаштириш зарурлигини қайд қилдилар. Бу таклифни Косон тумани ҳокими Қўчқор Тўйчиев ҳам биринчилардан бўлиб маъқуллади. Биз у киши билан маслаҳатлашиб шаҳар ва туман ўқитувчиларининг тадбиркорликка бағишланган семинар-кенгашини мазкур туманда ўтказишни келишиб олдик. Қисқаси, янгиликка яшил йўл очилаяпти, деб айта оламиз.

Ҳа, яхши ишнинг қаноти бўлади, дейдилар. Косонлик маорифчиларнинг тажрибалари кўпгина шаҳар ва туманлар халқ таълими муассасаларида ҳам оммалашишига ишонгинг келади. Чунки бу ҳаракат ўз моҳияти билан камол топаётган ёш авлодга тадбиркорликни, ишбилармонликни, касб-корни ўргатибгина қолмай, айни бир пайтда бозор иқтисоди шароитида маблағ тақчиллигини бошидан кечираётган халқ таълимига ҳам беқиёс наф келтиради, албатта.

Маҳкам РАҲМОНОВ,
Баҳром МАҲМУДОВ.

«...ИНСОННИНГ ЎЗИДАЙ БОҚИЙДИР САЛОМ»

«Шеърият ҳамманинг ўзи, ўзлиги!
Шеърият, ўзинг-ку қалбдан қалбларга
Эзгуликнинг беқиёс ганжин
Ишонч қоғозисиз элтиб беруви!..» — деб ёзган экан бундан чорак аср муқаддам Омон Матжон. Шундан бери, «Шундоқ ёнимиздан ўтиб кетди вақт», «Ўтиб кетди, сира қайтиб келмайди». «Бу йўл фақат олдга — орқада йўл йўқ...», «Биздан бўш кетган Вақт — у ерда дайди...».

Даврлар ҳам, одамлар ҳам ўзгарди. Лекин шоирнинг шеърлари «аввалгиларга ўхшамас» эрса-да, моҳияти бир, умидбахшлиги, самимияти ва халқчиллиги бир эди. Шунинг учун бўлса керак, одамлар уни яхши танийди. Китоблари, оҳангга омухта бўлиб кетган сертуғён сатрлари ҳар бир давр ёшларининг ҳамишалик ҳамроҳидир. Ўз шахсий камолоти учун жамиятдан қарздорлик ҳиссини дилдан туйиб, юрту юртдошларини суюб яшайдиган Омон Матжоннинг эллик ёшга тўлганлиги шеърхонларни бироз гангитиб қўйганлиги шундандир, эҳтимол.

Инсонлар бор, ўзининг ишлари, фикру хаёллари, жамиятда тутган мавқеи билан қайсидир кўринишларда яшаб ўтади. «Минг афсус есанг ҳам, у қайтмас энди, Ранжиган бу дўстинг келмас юзма-юз» деб ёзган экан шоир ВАҚТ — чопағон, УМР — ўткинчи эканлигини юракдан ҳис қилиб. Маҳорат билан чизилган юрт манзаралари, лирик фалсафий портретлар, чет эл сафарлари таассуротларию, ишқий тизмалар Омон Матжоннинг елдирим кунлардан топган каромату башоратларидир. Болаликнинг қувноқ олами, кексаликнинг ҳасрат-алами, ошиқ-маъшуқларнинг нозик туйғуларию, эзгулик шуълаларига ғарқ бўлган қалбларнинг қутқуларини осонгина илғаб олишидандир. «Агар сиз билимдон бўлсангиз, берингиз, бошқалар ҳам ундан ўз шамчироқларини ёндириб олишсин», — деган экан бир донишманд.

Омон Матжоннинг яхшиликка йўлловчи, қоқилганларни қўлловчи тилию дилидан баҳраманд бўлган ёшлар эндиликда ўз шамчироқларини машъала қилиб юришибди десак, муболаға бўлмайди. Чунки биргина «Ёшлик» ойномасига муҳаррирлик қилган кезларида озмунча булоқлар кўз очдими, умид ғунчалари яп-роқ чиқардими? Мухбирлигу ноширлик, ходимлигу раҳбарликни ҳам шоирона даражага кўтара олган шоир «Сен сари кетгувчи улкан кемадан, фақат юкларимга жой топсам майли, Шеърият!» деб орзулаган экан. Орзулари унинг қатор китоблари, одамларга яхшилигу тинчлик-осойишталикни соғинган публицистик мақолалари, радио ва телевидение мавзулари орқали таралган гўзал қўшиқлари билан амалга ошди. Уни халқ қалбига жойлади.

Шоирлар кўп бизда, аммо шеър кам. Ижодкорлар бисёр бизда, аммо ихтиролар кам. Омон Матжон эса шу камлару, кемтикларни тўлдириб, ўзи нафақат ўз қалбининг Колумби бўлиб, балки шеърпараст юракларни ҳам забт этиб юрибди. Қутлуғ айёмда унга соғлиқ, оилавий хотиржамлик, меҳнату ижодда баркамоллик ҳамда барқарорлик тилар эканмиз муштарийларимизнинг саломини ўзи ёзган сатрлар орқали етказмоқчимиз:

Салом-алик қилар одамлар ҳар тонг,
Қуёш эгганидай бошин саломга.
Оламда неки бор, бари бегумон,
Содиқдир «Ассалом» деган каломга.
Минг бир сипқорилса ҳамки ҳар азон,
Инсон шаъни учун бу муқаддас жом,
У қайта тўлади ҳар тонг навқирон,
Инсоннинг ўзидай боқийдир салом.

Омон МАТЖОН

ЎҚИШГА БОРЯПМАН

Ўқишга боряпман! Жажжи жилдимда,
Оппоқ саҳифали дафтарлар тўла.
Зеҳним осмонни акс эттиргудек пок,
Сувларни тинитган каби сунбула.

Ўқишга боряпман.
Она тилимнинг
Рангин китобидан илк бет очаман.
Билимлар боғига йўлдир мактабим,
Алифбе — шу йўлда биринчи чаман.

Бобом Хоразмийдан мерос сонлардан,
Дунёнинг ҳисобин олай чаққон, соз.
Мен бармоқ теккизган меридианлар,
Тилсимларин очиб, берсинлар овоз.

Мадраса битказиб бобом Навоий,
Шеърда забт этмишлар етти иқлимни,
Мен, ўтаб замона дорилфунунин,
Оламлар кашфига қайрай ақлимни.

Кўрмасак илмлар ойнасидан —
Тоғлар йиқиқ қўрғон, ўрмон ёввойи,
Фазо ҳам бизларни туққан онамас,
Нурлар, сояларнинг тентиган жойи.

Ўқишга боряпман!
Кузатар мени
Юкли ёнғоқ бобо, донишманд олма,
Чаноқлари чақнаб пахтазор қарар,
Буғдойзор зич боқар, бошоқлар солма.

Ўқийман! Мақсадим — мактабимизнинг,
Фахри, аълочиси, эркаси бўлмоқ!
Шул қутлуғ тарихли, табаррук ернинг
Муносиб ва мағрур эгаси бўлмоқ!

Шелер тарихи

Инглизчадан Жамолиддин Ҳамдам ва Шариф Холмурод таржимаси

Сардор МАҲМУД

Кармат. Тўққизинчи аср охирига келиб исмоилийлар Ҳамдан Карматни ўзларига сардор билдилар. Моҳир ташкилотчи бўлган Кармат кўплаб ғайриисломий ғояларни, «яширин имом»га кўр-кўрона итоат қилишни ўзига мақсад қилиб олган эди. У муридларига ўзларича ҳеч қачон Оллоҳга ета билмасликларини, бунда уларга на хайр-саховатлари, на тоат-ибодатлари ва на Қуръон ўгитлари ёрдам бермаслигини зўр бериб сингдирарди. Инсонлар ўз эзгу орзу-ниятларини «яширин имом»га барча сирли йўллар ва воситалардан воқиф илоҳий вужудга бегуноҳ садоқатла бутунлай боғламагунларича шундай бўлаверар эмиш. Агар муридлар ҳамма нарсада «яширин имом» иродасини бажарувчига қулоқ тутсалар, уларнинг гуноҳлари кечирилармиш. Кўп кишилар шу шартларни қабул қилиб, Кармат кўрсатмаларининг итоаткор ижрочилари бўлиб қолдилар. Кармат қазо қилгач, ташкилотга унинг ворислари етакчилик қила бошладилар. Улар анча вақтгача аббосийлар билан даъволашиб юриб, мағлубиятга учрадилар. Шундан кейин Ироқ ва Шомда уларнинг кучи камайиб кетди, бироқ Шарқий Арабистонда ўзларига таянч топиб, то ҳайбатли давлатга айланмагунларича ўша ёқдан туриб иш олиб бордилар: Арабистонни улар юз йилдан кўпроқ сўрашди.

Карматийлар Арабистонда. 894 йили исмоилийларнинг олий қўмондонлиги Абу Саид ибн Баҳром ат-Танобийни Баҳрайнга — Арабистоннинг шарқий соҳилига яқин орол-га юборди. Ўша ерда у бир қанча қабилаларни ўзига бўйсундириб, муайян имтиёзларга эга бўлган шайхларни уларга бошчи қилиб қўйди ва кўп ўтмай янги давлат тузди. Мумания (садоқатлилар шаҳри)ни ўзига пойтахт қилиб олди. У ва сафдошлари исмоилийларнинг «яширин имом»ига нисбатан хайрихоҳ эдилар. Аммо бу ерда — Арабистоннинг шимолий соҳилида Абу Саид ўзини мустақил ҳис қиларди. Унинг вафотидан кейин авлодлари ҳам ўз давлати кучига куч қўша бошладилар. Шу орада улар мутаассибларча садоқатли муридлардан ташкил топган қўшинга ҳам эга бўлиб олдилар. Ғарбда Наждга, шимолда Ироққа ва, ҳатто узоқ ғарбдаги ал-Ҳижозга юришлар уюштира бошлашди. 913 — 943-йилларда уларнинг қудрати чўққисига чиқди. Ана шу ўттиз йил мобайнида улар истаган томонларига ҳужум уюштиравердилар. 930 йилда Маккага бостириб бориб, уни эгалладилар. Каъбадаги қора тошни ўз пойтахтларига олиб кетишди. Шу пайтнинг ўзида Шомнинг қуйи қисмига ҳужум қилдилар; Марказий Арабистонга юз йилдан кўпроқ эгалик қилиб туришди.

Сўнгги қудратли аббосий ал-Муқтадир (918 — 932-йиллар). Халифалик ҳали ҳам Ироқ, Шом, Миср, Форс ва Хузистонни ўз ичига олса-да, унинг имкониятлари тугаб борарди. Халифа ва зодагонлар серҳаражат, фатхлик қилиш тўхтаган, солиқдан келаётган даромад кескин камайиб кетган, савдо издан чиқиб, карматийлар сингари унсурлар дастидан ҳаёт ҳам хатарли бўлиб қолган эди. Зўрлик билан қонунларга ва тартиб-қоидаларга бўйсундириш ҳам мушкуллашиб, суннийлар ва шиалар орасидаги фарқ ошаётган, халқ эса ҳаёт оқимидаги тартибга ишончини йўқотаёзган эди. Дунё кўплар кўзига қувончдан кўра, кўпроқ қайғуғам мужассам бўлган бир макондек, бор шодликлар ҳам омонат кўриниб қолган эди. Карматийлар ташкилотига ўхшаган маҳфий ташкилотларга бош қўшганлар кўпая борди. Айрим кишилар тасаввуфчи бўлиб, диний тартиблар ва биродарликка қайтдилар. Шу даврдаги дунё воқеалари аббосийларнинг таъсир доирасини бутунлай ўзлаштириб олганлиги натижасида машҳур мутасаввуфлар пайдо бўлди.

Тасаввуф. Мутасаввуфлар ёки сўфийлар кишиларни ўз фикрларини ҳақиқий дунё — Оллоҳ таоло дунёсига, ақлий равшанликка қаратишга, бу оламни, ундаги барча нарсаларни эса бир лаҳзалик ўткинчи соя сингари хаёлий билишга чорлардилар. Улар наздида, бизни бу дунё билан боғлаб турган бутун борлиқ очиқ-ойдин ёвузлик бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда ёмонликни ташкил қилади. Тасаввуфчилар ажойиб инсонлар, фаришталарга шахсларга эди. Ўз эътиқодлари билан руҳий куч бағишлаш ниятида пайдо бўлган шу кишиларнинг маслакдошлари ҳам оз эмасди. Аксарияти машҳур кишилар бўлмаган сўфийлар Исломнинг ҳамма ақидаларига ҳам амал қилавермасдилар, шариат қоидаларидан кўра руҳга кўпроқ ишонардилар. Шу боисдан уламолар ва фуқаҳолар уларга катта шубҳа билан қарашарди. Айримлари таълимотлари учун, ҳатто таъқиб қилинардилар. Мусулмон қонуншунослари ва муфтийлар буни тушунишни хоҳламасдилар ва уларни қўллаб-қувватламасдилар. Бағдодлик Ҳўжа Маъруф ал-Каркий (815 йилда вафот этган), Шайх баёзид Бастомий (875 йилда вафот этган), Шайх Жунайд (820 йилда вафот этган) ва Мансур ал-Ҳаллож (922 йилда вафот этган) ўша даврнинг машҳур муқаддас сўфийлари бўлганлар. Дуч келган жойда дайдиб, Оллоҳнинг инсонга яқинлиги, Парвардигорни тушуниш тўғрисида ҳикоя қилиб юрадиган Мансур улар орасида энг машҳур тарғиботчилардан саналарди. Уламоларнинг айтишларича, у ўзига ҳаддан зиёда эрк берарди. Бир куни кайфияти чоғ вақтида ҳатто: «Мен — ҳақман!» — деб юборган. Оқибатида уни худога шак келтиришда айблашиб, қамоққа олишади, саволашади, сўнгра эса айбдор ҳисоблаб, осишади. Лекин Мансурнинг ўлими унга Оллоҳ билан яқинлашиш йўлини излаётган қаҳрамон шуҳратини келтирди.

Халифалик доирасидаги подшоҳликлар — тоҳирийлар (820 — 872-йиллар). Ал-Муқтадир вафотидан кейин халифалик подшоҳликлари таъсирига нисбатан аббосийлар ҳокимияти иккинчи маррага ўтиб қолди. Шундай бўлса-да, мавжуд халифаликлар ҳамма жойда суннийлар ҳокимияти вазифасини бажаришда давом этдилар. Бу ўринда марказ билан алоқани узиб, анча вақтгача равнақ топиб келган подшоҳликларни ҳам назарда тутиш лозим. Тоҳирийлар подшоҳлиги биринчи бўлиб ўз ҳуқуқини тасдиқлаб олди. Халифа ал-Маъмуннинг истеъдодли лашкарбошиси Тоҳир Хуросоннинг шимоли-шарқида асос солган бу подшоҳликка Марв пойтахт этиб танланди. Тоҳир оламдан ўтганидан кейин ўғли Талҳа Мозандарон билан Трансоксиания ўртасидаги бутун ҳудудга ҳоким бўлди. Унинг укаси Абдуллаҳ ҳам аббосийлар давридаги машҳур додҳолардан эди. Тоҳирийлар халифалар устунлигини тан олиб, шартлашилган солиқни тўлаб туришарди, лекин бошқа ҳамма нарсада мустақил эдилар. Уларнинг ўз ҳарбий кучлари, қўкумати ва солиқ солиш қоидалари вужудга келганди, шунингдек, улар кишиларга васийлик қилишга ҳам одатланишганди. Қадимий форслар уруғига мансуб бўлган Сомон ана шундай ғамхўрлик кўрганлардан бири эди. Бегараз васийликка олинганлар орасида уруғнинг бошқа аъзолари ҳам топиларди, бу самимият тобора ошиб бораётгандек туюларди. Ва, ниҳоят, 872 йилда Сомоннинг авлодларидан бири бўлган Носир ибн Аҳмад тоҳирийларни ағдариб, Трансоксиания сомонийлар салтанатини вужудга келтирди. Шунгача форслар юртида бошқа бир сулола пайдо бўлганди.

Саффарийлар (867—908-йиллар). Қуйи табақадан чиққан Яъқуб ибн Лайс исмли истеъдодли киши бу сулоланинг асосчиси бўлди. У ўз ҳаётини мисгарлик (саффар)дан бошлаган бўлиб, сулола номи ҳам шунга нисбатан берилганди. У ёшлигида ғайриқонуний бир тўдага қўшилиб, вақти келганда унга бош бўлиб олди. Шунга қарамасдан, бу мустақил кишининг ёвузликка қўли бормасди, камбағалларга ғамхўрлик қилиб, улар дардига шерик бўларди. У фақат текинхўр бойларни талаб, яхши одамга эса ҳеч қачон зарар етказмасди. Овозаси саройга етиб боргач, халифа унга додҳо унвонини инъом этиб, халифалик номидан қонунсизликка қарши кураш олиб боришга ижозат берди. Яъқуб мукофот сифатида берилган ерни кенгайтириб, Хуросон билан Форс кўрфази ва у ёғи Синдгача бўлган минтақада қудратли ҳокимга айланди. Тоҳирийлардан Сеистон ва Хуросоннинг қуйи қисмини тортиб олди. Ас-Саффар, ҳатто Қобулни истило қилиб, ўз тасарруфидаги ўлкаларни Ислом Афғонистони деб атади. Барча элатлар унинг ўзини ва укаси Амирни халифа деб, эътироф этиб, уларга содиқликка ваъда бердилар. Саффарийларни сомонийлар тахтдан ағдаришди.

(Давоми бор).

(Боши ўтган сонларда).

ЙЎЛ АЗОБИ ЙЎҚОЛАРДИ

Туманимиз ўқувчилари ҳар йили фанлар бўйича ўтказилаётган олимпиадаларда фаол иштирок этишиб, фахрли ўринларни қўлга киритиб келмоқдалар. Ўтган ўқув йилида ҳам ўқувчиларимиз II—III тур олимпиадаларида фаол иштирок этишди, вилоят олимпиадасида фахрли ўринларни қўлга киритишди. Ўқувчиларимиздан бири география фанидан жумҳурият олимпиадасида муваффақиятли қатнашди. Билимлар беллашувидаги голиблик илм толибларини доимо фан асосларини чуқур эгаллашга чорлайди.

Шу кунларда туманимиздаги 30 та мактабда I тур мактаб олимпиадалари ниҳоясига етказилди. Ғолиблар II тур туман олимпиадасига йўлланма олдилар. Шундан сўнг ғолиблар вилоят олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритадилар. Ҳаяжонли ва қувончли дамлар ҳали олдинда.

Билимлар синовининг III тури ҳар йили вилоятимиз маркази — Фарғона шаҳрида ўтказилади. Бу эса Қўқон зонаси туманларидан юзлаб ўқувчиларнинг автобусда тонг саҳарлаб юз-юз ўттиз километр масофани босиб юришига тўғри келяпти. Биринчидан, бу олис масофа олимпиадачи ўқувчиларни ғоят толиқтирса, иккинчидан, уларнинг ақлий фаолиятларини, фаоллигини сусайтиради.

Бизнингча, бундай қийинчиликларни бартараф этиш имкониятлари йўқ эмас. Қўқон шаҳри атрофидаги туманлар III тур вилоят олимпиадасини Муқимий номидаги муаллимлар тайёрлаш олийгоҳида зонал тарзда ўтказсалар, айни муддаомиз бўларди.

Т. ЖУМАНОВ.

ҚУТЛАЙМИЗ!

Ҳурматли Ҳикмат ЖАВЛОНОВ!

Сизни муборак 60 ёшга тўлишингиз билан қутлаймиз. Ўз ҳаётингизнинг қарийб 40 йилини ёш авлодни тарбиялашдек улуғ ишга бағишладингиз. Сиздан тарбия олган кўплаб шогирдларингиз ҳаётда ўзларининг муносиб ўрнини топган. Улар Сизнинг номингизни устоз, деб ҳурмат билан тилга олишади.

Мана, 21 йилдирки, тумандаги 33-ўрта мактабга раҳбарлик қилмоқдасиз. Мактабда ўқув-тарбия ишларининг яхши йўлга қўйилишида Сизнинг ҳиссангиз каттадир. Туманимиз маорифчилари орасида катта эътиборга эгасиз. Сизга, аввало, сиҳат-саломатлик, ёш авлодни тарбиялашдек улуғ ишингизда доимо зафарлар ёр бўлишини тилаб қоламиз.

ФОРИШ ТУМАН ХАЛҚ МАОРИФИ БЎЛИМИ, АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМЛИ 33-ЎРТА МАКТАБ ЖАМОАСИ.

«ОСИЁ КУБОГИ» МУСОБАҚАСИ БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси техник ижодиёти марказида Ўрта Осиё республикалари ижодиёт маркази директорларининг кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгаш қатнашчилари мактабдан ташқари муассасалар олдида турган муаммолар ва долзарб вазифалар тўғрисида гаплашиб олдилар.

Бошқа соҳаларда бўлгани сингари мактабдан ташқари муассасаларда ҳам бугунги кунда аҳвол жиддий. Ёшларни фойдали ишларга жалб этиш учун техник ижодиёти марказлари ҳам ишларини янада жонлантиришлари зарур. Шунинг учун ҳам кенгаш қатнашчилари мактабдан ташқари муассасалари мутахассисларининг илмий-амалий конференциясини чақиришни лозим топди. Конференция шу йилнинг май ойида Тошкентда бўлиб ўтади.

Шунингдек, кенгаш қатнашчилари спортнинг техник турлари бўйича халқаро «Осиё кубоги» мусобақасини ўтказишга келишиб олдилар.

Д. МАМАТОВ.

Тарихий манбаларга қараганда чизмачилик санъатининг ватани, уни яратганлар, амалда қўллаганлар ҳам авлод-аждодларимиз эканлиги бугун республикамиз кўркига-кўрк қўшиб турган қадимий обидаларда ҳам ўз аксини топган. Эндиликда, боболар анъаналарини давом эттириб, ёшларимизга чизмачилик сирларини ўргатаётган педагогларимиз жумҳуриятда кўпчиликни ташкил этади. Улардан бири Икром Раҳмоновдир.

Қизиқ, инсон ҳаёти, унинг машаққатли меҳнатию қувончли дамлари, изланишлар, ютуқлар ва муаммолар. Буларнинг барчаси ҳам бир-бирига чамбарчас боғланган. Унинг замирида эса ўз касбини севиш, бардошлик мужассамлашган. Икром Раҳмонов ҳам ана шу поғоналарнинг барчасини босиб ўтган, қийинчиликларга дуч келганда сабрнинг таги олтин, қувончли кунларида эса устозларидан миннатдор бўлиб, яратганга шукр деганлардан. Унинг таржимаи ҳоли ҳам кўпчиликникидан фарқ қилмаса-да, бироқ қувончларга бой.

Туғилиб ўсган жойи, қўшни Қирғизистон жумҳуриятидаги Ўш вилоятининг Қорасув шаҳрида ўрта мактабни тугатгач, 1950 йилда П. Беньков номли рассомлар мактабига ўқишга кирди. Ушбу илмгоҳдаги таниқли мутахассисларнинг кўрсатган ёрдамлари, қолаверса, танлаган соҳага қизиқиш Икром акани Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти сари етаклади. Вақт кутиб турмасди. Ойлар, йиллар бир-бирини қувлашиб талабалик даври ҳам ортда қолди.

Икром Раҳмонов ишни шу институтнинг чизмачилик кафедрасида ўқитувчилик қилишдан, талабаларга сабоқ беришдан бошлади. Лекин...

Ўша кезларда бошқа фанлар қатори чизмачиликдан ҳам дарслик ва қўлланмалар етишмас, борлари эса талаб даражасида эмасди. Бундан қониқиш ҳосил қилмаган ўқитувчи мутахассислигининг янги-янги қирраларини излай бошлади. Узоқ изланишлар, сермашаққат меҳнату ҳузур-ҳаловатдан кечиш натижасида «1—4-синфларда расм дарслари» (1965), «Бадиий графика факультетида бадиий таълим» (1970), «Горизонт чизиғининг картинага таъсири» (1971), «Чизмачиликда нақш» (1972), «Машинасозлик чизмачилиги курси» (1973), «Чизмачиликдан иш дафтари» (Жазоир, 1976), «Чизма геометриядан иш дафтари» (Жазоир, 1977), «Машинасозлик чизмачилик курси» (1981), «Чизма геометрия курси» (1984. дарслик), «Чизмачиликдан машқ ва масалалар тўплами» (1991), «Чизмаларни чизиш ва ўқиш» (1992) илмий-методик мақолалар ва бир қатор қўлланмалар юзага келдики, эндиликда, мактабларда ҳам, педагогик даргоҳларда ҳам улардан кенг фойдаланилмоқда.

Аҳамият берган бўлсангиз, юқорида қайд этилганлар орасида чет элларда ёзилганлари ҳам мавжуд. Тиниб-тинчимас педагог ҳамкорлик ришталарига амал қилиб, билимларни мустаҳкамлаш, чизмачиликнинг чет элдаги равнақидан баҳраманд бўлиш, ўз вақтида билганларини у ердагиларга ўргатиш мақсадида Жазоир Халқ Демократик Республикасидаги миллий нефть, газ ва кимё институтида ҳам бир неча йил ишлаб келди.



ВИЖДОНАН МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАНЛАР

ЧИЗМАНИ ҲАММА ҲАМ ЧИЗАВЕРМАЙДИ

— Чизма бу, техника тили, техника графикаси демакдир, — дейди Икром ака. — Афсуски, бу фанга шунчаки кўз билан қарайдиганлар, аҳамият бермайдиганлар ҳам йўқ эмас. Айниқса, мактабларда чизмачиликдан ўқувчиларга сабоқ беришни кўнгилдагидек деб бўлмайди. Муаллимларимиз кўнгилларига олишмасин-у, буни мен кузатишларимдан келиб чиқиб айтаяпман...

Эҳтимол, бу борада нима ҳам дейиш мумкин. Балки Икром ака ҳақдир. Лекин бир нарса аёнки, чизмани ҳам ҳамма чизавермайди, унинг машаққатлари, юрак қийноғи-ю, ўткир дид лозимлигини шу соҳада пешона тери тўкканларгина биладилар, қалбан ҳис этадилар.

Икром Раҳмонов ҳам шу мутахассисликни танлаб кам бўлмади. Пединститутда факультет раҳбари лавозимида ишлаганида ҳам, оддий ўқитувчи бўлиб юрганида ҳам ўз касбини севди, уни ардоқлади. Ана шу касб кетидан рўзғор тебратди, фарзандларни бирин-кетин камолотга етказди.

Қаранг, ўттиз тўрт йилдирки, Икром ака чизмачиликдан талабаларга сабоқ беради. Бугунги талаба эса эртага мактабга — ўқувчиларга ўргатиши. Икром акадан ўрганганларини улар қалбига жойлаши керак. Ўқувчилар эса келажакнинг яратувчиларидир. Ҳа, ажаб эмаски, келажакнинг тамал тоши мана шу ердан барпо этилаётган бўлса.

Фидокор олим, талабаларнинг устози Икром ака меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан бир неча бор тақдирланган. Қатор, медаллар Фахрий ёрлиқлар совриндори.

Яхшиларни асранг яхшилар, дейишади. Мустақил Республикамизнинг келажак пойдеворини мустаҳкамлашда Икром ака сингари жонкуяр педагогларнинг ҳиссаси катта бўлишига ҳеч шубҳа йўқ...

Мухбиримиз.

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАКИМ.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти маъмурияти ва математика факультети жамоаси математик таҳлил кафедрасининг доценти Мақсуд Меджетовга онаси

Медине МЕДЖЕТОВА

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги
Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий
Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, Тошкент,
Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58, 52-35.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Босишга топшириш вақти 20.00.
Босишга топширилди 18.00.

Г-82. ИНДЕКС: 64595. Тираж 117319. 1 2 3 4 5 6.